Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
37 сон 14 — 20 сентябр 2006 йил

МАШАҚҚАТ ЧЕКМАГАН ТОПМАС ХАЗИНА

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Баҳромхон ҳожи аяни Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Мирзо Улуғбек маҳалласи аҳли "Фармон биби" деб суйишади. Баҳромхон ая Тошева ҳам 8 нафар полвонкелбат ўғилларни тарбиялаб элга кўшган. "Қиз кўрмадим", деб армон қилмайди. 7 келини аяга парвона. Ахир шундай меҳрибон, оққўнгил йигитларни дунёга келтирган зотни ҳурмат қилмай бўладими?! Ўғилларнинг тарбияси яхши бўлганки, улар ҳам хотинларини кафтларида тутишади. "Ҳатто келинларига ёки рўзғорига зарур нарсаларни ҳам доим аяжон ўғилларига эслатиб турадилар. Аёлини ноҳақ хафа қилиб қўйган ўғил ёши ва мансабидан қатъий назар Аямдан эшитадиганини эшитиб, оладиганини олади..." - дейди ували-жували келин Тожихол опа.

* * *

Отаси шўролар даврининг зўғуми билан 19 ёшида шаҳид кетганда Баҳромхон 1,5 ёшда эди. Бобоси ва момоси қизчани ўз қарамоғига олишди. 17 ёшли онасини эса турмушга бериб юборишди. Бобо ва буви оламдан ўтгач, Баҳромхон эри урушда бедарак йўқолган аммасининг қўлида қолди. Чаққонлиги, меҳнаткашлиги боис у аммасининг 2 фарзанди қаторидан "суюмли" бўлиб жой олди. 7-синфни тугатиб, "Гулистон" колхозида звено бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. Суяги меҳнатга қотди. Ундаги тиришқоқликни кўриб, колхоз раиси: "Шу сариқ қизни ўзим келин қиламан", - дея сўзида қатъий турди. Тошкентда олийгоҳда таълим олаётган ўғли Бобомуродга узоқдан қизни кўрсатиб қўйди... 19 ёшли йигитнинг кўзига 17 ёшли уятчан қиз чўғдай кўринди. Тез орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Тақдир бағри кемтик Баҳромхоннинг кўнглини тўлдирди. 1952 йили биринчи фарзанди Ўктамжон туғилганда у дунёда бекорга яшамаётганини ҳис қилди. 4 йил кутилган фарзандининг кетини узгиси келмади... Орасини 2 ёш фарқи билан паҳлавондай 8 ўғил кўрди... Туну кун "худога шукр" қилиб, уларни катта қилди. Тоғора-тоғора кир ювишдан, тандир-тандир нон ёпишдан чарчамасди. Бунинг орасида у пилла боқар, далага чиқиб пахта, буғдой экар, чопиқ қилар ва йиғим-теримга ҳам "туриб берарди".

- Ирода нималигини онамдан ўрганганман, - дейди меҳр билан иккинчи ўғил Ўткир ака (инженер). - Бир ишни бошладиларми қийналсалар-да, охиригача олиб борадилар. Гарчи рўзғор ишлари - мол-ҳолга, экин-тикинга қараш барчамизга бўлиб берилган бўлса-да, бизга ҳам ёрдамлашишга ҳаракат қилардилар. Шунингдек, бизни ҳам тартибли ва озода ишлашга ўргатардилар.

* * *

Ўша йиллар Бобомурод акани мактабга раҳбар қилиб тайинлашди. Отанинг иши кўпайса-да, ўғиллар тарбиясида ниҳоятда талабчан эди.

- Дадам мактабдаги бирор шўхлигимиздан ёки дарс қолдирганимиздан хабар топсалар, ўша куни бизга "сичқоннинг ини минг танга" бўларди, - дейди 6-ўғил Ҳамзажон (инженер). - Жазо жуда аччиқ бўларди. Ҳатто шапалоқ еган пайтимиз ҳам бўлган. "Нега бизнинг дадамиз бунчалар қаттиққўл?.. Бошқаларнинг отаси ўғиллари нима қилса ҳам иши йўқ-ку?!" - деб ўйлардим баъзан. Энди билсам, дадам бугунимизни ўйлаган эканлар. Мана бугун ҳаммамиз олий маълумотли, бир ишнинг бошини тутганмиз.

Ҳа, Баҳромхон ая рўзғор юкини эри билан бирга орқалашга ҳаракат қилди. Эрининг "қийналасан" деганига қарамай мактабнинг фаррошлигини ҳам эплади. Фарзандларининг суяги қотгач, уйларининг биқинидаги пахта заводига "смен"да туриб ишлади. Топганларига эр-хотин биринчи навбатда болаларига китоб олиб беришарди.

- Онам бетоб бўлиб қолганларида, акаларим билан эрта тонгда мактабга бориб, синфхоналарни тозалардик, полларни ювардик, деразаларни артардик, - дейди кенжа ўғил Акрамжон (инженер). - Бу ишлардан ҳеч қачон ҳазар қилмасдик.

- Қандай ишга қўл урмайлик, ота-онамиз бизни яхши сўзлар билан рағбатлантирардилар, - суҳбатга қўшилади еттинчи ўғил Ҳикматжон (инженер). - Ўқувчилигимда 10 та қуённи боқиб 100 тага етказганман. Уларни сотиб, бизга чиройли мактаб формаси, китоблар олиб берганлар. Мен эса оилага нафим текканидан ич-ичимдан ғурурланардим. Меҳнатнинг лаззатини ўшанда сезганман.

* * *

Дарҳақиқат, Баҳромхон ая билан Бобомурод аканинг (охиратлари обод бўлсин!) тарбия, таълимлари билан вояга етган Ўктамжон, Ўткиржон, Шуҳратжон, Давлатжон, Ҳамзажон, Ҳикматжон ва Акрамжонлар эл-юрт корига ярашаяпти. Баҳромхон ая эса етти ўғилнинг (Зафаржон 21 ёшида оғир хасталикдан вафот этди) қаватидаги етти келиннинг, 25 невара-ю, 11 чевараларнинг ардоғида. У ўзи яшаётган Мирзо Улуғбек маҳалласи аҳлининг яқин маслаҳатгўйи. Ая муҳтожлардан ҳам ёрдамини аямайди. "Савобни унутмаган инсон барака топади", дейди. Баҳромхон аянинг ҳокисор чеҳрасига қараб, камтарлик, меҳнатсеварлик ва ирода инсонни нақадар улуғлашига амин бўлдик.

Санобар ФАХРИДДИНОВА, Нодира АНДАҚУЛОВА.

ОДДИЙЛИКДА ГАП КЎП



...1971 йил иш фаолиятини вилоят ёшлар қўмитасида котибаликдан бошлаган Махсума опа Андижон педагогика институтида сиртдан ўқишга ҳам улгурди. У 3 фарзандини улғайтирган йилларини ҳам ўзининг иш тажрибасига қўшади. Сўнг Асака туманидаги 8-боғчада иш бошлади. Раҳбар авало "боғча опа"ларнинг болажонларга ғамхўрлиги, меҳрибонлигини 1-ўринга қўйди. Бу хислатга ораста ва билимдонликни эгизак санади. "Опа"ларнинг ижодкорлиги ҳам кичкинтойлар дунёқарашининг, жажжи тасаввурининг шаклланиши учун муҳим. Мана шу талабларга жавоб беролган тарбиячиларни "жонига сукди". Қуш уясида кўрганини қилади, дейишгандек, болаларнинг айни бировдан нусха оладиган даври боғчада ўтади. Демак уларнинг қандай бўлиши "Опа"ларга боғлиқ-да!

Спорт майдончалари, кўкаламзор ҳудудча, ўйин майдончалари раҳбар ва тарбиячиларнинг заҳматлари туфайли дунёга келди. Махсума Иминова миттивойларнинг соғлом ва полвон болалар бўлиб ўсишлари учун зарур бўлган дармондорили овқатлар тайёрлашни йўлга қўйди. Ошпазларнинг маҳоратини ҳам синовдан ўтказди.

Раҳбарнинг камтар ва дилкашлиги, меҳнаткашлиги барчага ибрат бўлгулик. Махсума опа—дарахтларни буталаш борми, деворларни оқлашми, кўчат экишми, боғча ҳовлисига сув сепиб, супуришми - "енг шимариб" ҳаракатга тушиб кетади.

Болалар боғчада рус тили, инглиз тили фанларидан таҳсил оладилар. Гуруҳлар хоналарининг дид билан безатилиши ҳам Махсума опанинг ижодкорлиги маҳсулидир. Боланинг руҳий ҳолати жойида бўлса, ақли яхши пешланади-да.

Махсума Иминова оилада ҳам толейи баланд аёл. Турмуш ўртоғи Дилшод ака ва фарзандлари: Умидахон, Ботиржон, Баҳодиржон ва Иродахонлар Махсума опага доим ҳамфикр, ҳаммаслакдир. У ширинтой 6 набирасига бўлган меҳру муҳаббатини боғча болаларига ҳам "илиниб" юрган олийжаноб инсон!

- Туманимизда 300 дан ортиқ тадбиркор аёллар фаолият юритишаяпти. Уларга етакчилик қилиш билан бирга "Экосан қадар" хусусий дорихонасининг ҳам раҳбариман. Ниятимиз - аёлларга иш ўринлари яратиш, одамларнинг корига ярашдир,- дейди Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани хотин-қизлар қўмитаси фаоли, доришунос Мавжуда Абдуллаева.

ЯХШИ АЁЛ

Санталат холани ҳамма «яхши аёл», деб таърифлашади. Яхши сўзининг замирида эҳ-ҳе, қанча маънолар бор. Қайнона-қайнотаси ҳаёт пайтларида ҳар куни тилларидан бол томиб уни дуо қилишарди. "Тупроқ олсангиз - олтин бўлсин, болам. Кул олсангиз - кумуш бўлсин!"- дейишарди.

Солижон Орзиқулов билан Санталатхоним 1953 йили турмуш қуришган. Ва эллик йил тинч-тотув яшаб, қўша қаришди. Солижон ака ўқитувчи эди, кейин узоқ йиллар мактабга директорлик қилди. У ниҳоятда келишган, елкадор йигит эди. Дид билан кийинарди. Қадамлари шахдам, ишда қаттиққўл, талабчан, ўз вазифасини беками-кўст, виждонан адо этарди. Барча ишлари сифатли эди. Рўзғор юмушларида ҳам рафиқасига ёрдам беришдан ҳеч эринмасди.

У саёҳатга боришни, курортларда дам олишни ўрнига қўйиб қўярди. Мактабдан таътил берилди, дегунча Санталатхонимни ёнига олиб, Кавказ тоғлари бағридаги барча сиҳатгоҳларда бўлишган, кўп-кўп жойларни зиёрат қилишган. Ҳеч армонлари қолмаган.

Солижон ота кексайганида, боши ёстиққа етганида рафиқасидан кўп кечирим сўради, Яратганга ёлвориб, рафиқасининг дуои-жонини қилди.

Ҳа, беайб парвардигор, ҳаммамиз ҳам ёшликда озми-кўпми хато қиламиз. Хатолар армонга айланади. Афсуски, хатоларни ўз вақтида англаб, ўз вақтида олдини олиш, узр сўраш ҳаммангнинг ҳам қўлидан келавермайди. Оллоҳ кечиримли-ку! Раҳматли Солижон ака эса хатосини тез тушуниб етди, тез англади ва ўз вақтида хатосини тузатди. Кечирим сўради. У ёш эди, албатта, барно йигитлардан эди. Рафиқаси эса бирин-кетин туғилган гўдаклари билан андармон эди. Одамлар келиб, унга: "Хай, эринг бир татар қиз билан гаплашиб юрибди", - дейишди. Аёл эса бармоқлари билан лабини босди. "Майли, ҳеч ким эшитмасин-а?!", - деди бу воқеага ҳеч ишонгиси келмай. У эрини севгани, ҳурмат қилгани, болаларининг меҳрибон отаси бўлгани учун ҳам, кекса қайнона-қайнотасини заррача ранжитмаслик учун ҳам лом-мим демади. Сабр қилди. Яратгандан эрига инсоф тилади.

Олдингидай эрининг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, ишдан келганида гул-гул очилиб кутиб олди. Кечроқ қайтганида эса: "Ишларингиз кўпайиб кетдими, дадаси, чарчагандирсиз-а?!" - деб атрофида парвона бўлди. Лаззатли таомини, қайноқ чойини ширин сўзига қўшиб, эрининг олдига қўйди. Кийим-кечакларини олдингидан яхшироқ оқ ювиб, оқ таради. Ҳа, аёлнинг одоби, ибо-ҳаёси, айниқса метиндек сабр-бардоши, оиласига садоқати, тилини тиши орқасида сақлаши кўп яхшиликларга сазовор этаркан. Худди шундай бўлди.

Кунларнинг бирида таниш аёллардан бири унга: "Хай, эрингни қайтарма қилдир!" - деб ўргатди. У ишониб-ишонмай шу ишга қўл урди. Дуо ўқилган ич кийимини кийган эри кутилмаганда ўзгара бошлади. Ҳа, мўъжиза рўй берди. Эри ҳар куни ишдан вақтида келадиган, вақтида кетадиган, дам олиш кунлари ҳам худди олдингидай уйда рафиқасига қарашадиган бўлди. Ўзидаги ғаройиб ўзгаришни сезган эр ниҳояти бир куни сўради.

- Мени... нима қилдингиз, онаси. Кўзим ярқ этиб очилди-ку! Қандай даволадингиз мени?!

Санталатхоним ийманибгина рост гапни айтди.

- Сизни... қайтарма қилдиргандим, дадаси, мени кечиринг...

- Сиз мени кечиринг! Мен... сизнинг сабрингизга қойилман. Бардошингизга қойилман. Бирон марта бўлсин, юзимга солмадингиз-а?! Минг раҳмат, сизга!

Улар олдингидай аҳил-иноқ яшашди. Беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Узатиб, уйлантириб, тўйлар қилишди. Қатор набиралар кўришди. Меҳнатда обрў-эътиборга сазовор бўлишди. 2003 йили Солижон ота етмиш ёшида яратганга омонатини топширди...

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридан келган Санталат хола Худойбердиева билан мен Консойдаги фахрийлар сиҳатгоҳида танишгандим. Битта хонада ўн кун бирга яшаб, дилдилдан суҳбатлашиб, баҳридилим очилди. Мен ундан кўп яхши фазилатларни ўргандим.

Албатта Санталат хола бор гапни ёзишимни кўпам хушламас. Лекин мен бу аёлгинанинг сабр-матонатини, одамгарчилигини, оилани муқаддас билганини, раҳматли Солижон отанинг эса ўз вақтида хатосини англаб, кечирим сўрай олганини, кейин бир умр тўғри қадам ташлаб, оилада ҳам, меҳнатда ҳам ибрат кўрсатганини ҳаммага айтгим келди. 73 ёшда бўлса-да, Санталат холанинг чаққон ҳаракат қилиши, барчага бирдай меҳрибонлиги, ҳар бир қадамида. "Яхши аёл экан-а", деган баҳога сазовор бўлиши қўлимга қалам тутқазди. Онаизоридан тез-тез хабар олиб турган фарзандлари Маҳфузахон, Ҳафизахон, Содиқжон Салимжон ва келинлари Умидахону Шаҳзодахонлар ҳам одамийликда онажонларидан қолишмас эканлар.

Эҳ, Санталат хола, турмуш ўртоғингиз дуо қилганидай жуда-жуда узоқ яшанг. Фарзандлару невара-чеваралар бахтини кўринг.

Санъат МАҲМУДОВА

Яхшилардан сўз очдик

НИЯТИМИЗ—ЭЗГУЛИК

Шаҳриёр пенсияга чиқдию тижорат билан шуғулланиб бошлади. Аввалига ўзи яшаётган Бўстон қишлоғида бир дўкон очиб савдо қилди, сўнг қўшни Гардиён қишлоғида ҳамда Қизилтепа шаҳрида ҳам савдо дўконлари очиб, уларга сотувчилар тайинлади. Бу дўконларни ўзи керакли моллар билан таъминлаб турди. Унинг дўконларидан рўзғорга керакли ҳамма нарса топилади.

Шаҳриёр Ҳабибов 2002 йилдан бери ҳар байрамлар, ийд қурбон ва рўза ҳайити кунларида кам таъминланган оилалар рўйхатини олиб, уларга моддий ёрдам ажратади. 8-март Халқаро хотин-қизлар кунида эса кўп болали аёллар ҳамда боқувчисини йўқотган оилалардан 20 нафарига моддий ёрдам берди. Ийд қурбон ҳайитидан олдин эса уйларида бемор бўлиб ётган 8 кишига дори-дармон сотиб олиш учун 10 минг сўмдан пул ажратди.

У кам таъминланган ёки отасиз ўсаётган болалардан уч ўғлонни уйлантириб қўйиб, савоб иш қилди. Шаҳриёрнинг уч ўғли олий маълумотли офицерлардан. Бири ички ишларда, иккитаси эса мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилади. Тиниб-тинчимас Шаҳриёр Бўстон маҳалласи йиғинидаги ишларга ҳам доим кўмакчи. У мактабларга ҳам таъмирлаш ёки бошқа ишларига ёрдам қўлини чўзиб келади. Бунга Мирза Азим Сомий Бўстоний ҳамда Э.Сачоқов номли мактабларга берган ёрдамларини мисол қилса бўлади.

Тўғри, ҳозир Ўзбекистонимизда Шаҳриёрлардек тадбиркорлар кўп. Истагимиз улар янада кўпайиб муҳтожлар, беморлар ҳолидан хабардор бўлиб турсинлар.

Раззоқ ҲАКИМИЙ,
Навоий вилояти.

УМРИНГИЗГА УМР ҚЎШИЛСИН!

Юнусобод тумани, Шаҳристон маҳалласида 89 ёшли табаррук отахон яшайдилар. Серҳаракат, ширинсухан бу инсонни бутун маҳалла аҳли ҳурмат, иззат қилади. Собиржон Тожиев узун ҳаёт сўқмоқларидан, қирғинбарот уруш йилларидан марду мардона яшаб ўтганлар.

У киши билан суҳбатлашиб қолсангиз ўтмиш хотираларини аниқ вақти билан хотирлашлари ҳайратга солади. Ҳар гап орасида ҳозиргача аҳил, бахтли умргузаронлик қилиб келаётган аёли Таня опанинг яхши, ўзига хос хислатларидан гапириб турадилар. Улар икки фарзандни етук инсонлар қилиб тарбиялашган.

- 1921 йил Бухорода ўқиб, техникумни битирдим ва ҳарбий медик бўлиб ишладим. Бу орада уруш бошланди. Мен хизмат қилаётган қисмда 30 минг солдат бор эди. Оғир ўтган бир жангда 30 минг солдатдан биз - ўнта аскаргина тирик қолгандик. Шу нарса бошимизга бало бўлди. Совет қўмондонлиги томонидан кунда қийноққа солиниб: "Нега тириксан? Душманга хизмат қилиб, тирик қолгансанлар", - деб азоб беришарди. Ҳарбий трибунал бизни ўлимга ҳукм қилди. Бир тасодиф туфайли ҳаётимиз сақлаб қолинди.

Мен 1948 йилга қадар Германия, Австрия касалхоналарида ишладим. Ўшанда немис қизига уйландим. Яхши ҳаёт кечирдик.

- Сиздан "қора хат" келган эканми?

- Ҳа, шундай ҳам бўлган. Доду фарёд билан барча маъракаларим ўтган. 1948 йили қайтганимда, онам: "Бошқатдан туғдим бу арслонимни", деб йиғлагандилар.

Собиржон ака ватанга қайтиб, пенсияга чиққунга қадар муайян бир даргоҳда - Қизил ярим ой жамиятида раислик қилдилар.

- Кеннойим ҳам, сиз ҳам шунча қийинчиликларга қарамай, узоқ умр кўрибсиз?..

- Биз яхши, аҳил яшадик. Келинойингиз зийрак, чаққон аёл. Фарзандлар ҳам тарбияли бўлдилар. Яхши ўқиб, яхши ишладилар. Қизим ва ўғлим, ҳозир набираларим ҳақида ҳам фақат яхши гап эшитиб келаяпмиз. Меҳрибонликларини айтинг! Булар менинг умримга умр қўшмайдими?..

- Умрингиз яна ҳам узоқ бўлсин, отахон!

Ўктамхон АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри.

Мен жуда кўп йиллардан бери «Оила ва жамият»ни ўқиб бораман. Унда босиладиган мақолалар, мактублар асосида берилаётган ҳар хил тақдирларни диққат билан ўқиб чиқаман. Оилавий можароларни ўқиб жуда кўпчилик одамлар ўзлари учун тўғри хулоса чиқарадилар, деб ўйлайман. Чунки, халқимизда: "Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил", деган мақол бежиз айтилмаган.

Ўн нафар фарзандни илмли, маърифатли, сабр-тоқатли, андишали ва энг муҳими ўзларидай камтарин инсон қилиб ўстиришди. Бугунги кунда фарзандларининг ҳар бири халқимиз ва жамиятимиз учун керакли инсон бўлиб камолга етган, оилали, уйли-жойли. Катта акамиз Эгамов Нусрат Ўзбекистон тиббиёт академиясининг 2-клиникасида жарроҳ бўлиб ишлайдилар. Доцент, медицина фанлари номзоди. Яна бир акам инженер. Опаларим шифокор, ҳисобчи, мен эса отамнинг касблари - ўқитувчиликни танлаганман.

ЖАННАТИ ИНСОНЛАР

Бундай тақдирларни ўқиб, беихтиёр мен ўз ота-онам, уларнинг ҳаёт йўлларини ёзишга жазм этдим. Зора бу тақдир баъзи ёшларга ўрнак бўлса...

Отам Рустамов Эгам. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, халқ маорифи аълочиси, хожи ота, 86 ёшдалар. Онам Пўлатова Марка хожи она.

Туманимизда уларни ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Улар бу қадар обрў-эътиборга осонликча эришганлари йўқ. Ота-онам сабр-тоқат, меҳр-муҳаббат туфайли ўз бахтларини топишди. Онамнинг ҳикоя қилишича, ўша урушдан кейинги оғир йилларда моддий жиҳатдан қийналганларида ҳам бирон кишидан қарз олмаганлар ёки турмушдан нолимаганлар, сабр билан борига шукр қилган эканлар.

Ота-онамнинг 43 невара, 30 чевараларидан бор. Тўғри, ҳаёт фақат қувончу шодликдан иборат эмас. Бундан беш йил олдин олий маълумотли, муҳандис акам оғир хасталикдан вафот этдилар. У кишининг тўрт нафар фарзанди чиққиллаб қолди. Ғам чекиб онажоним инфарктни бошдан кечирдилар. Аммо ота-онам бир-бирига суяниб яшашади.

Доимо жойнамоз устида юртимизга тинчлик, юртга ризқ-барака ва кўп қатори фарзандларига омонлик тилашади.

Зулайҳо РУСТАМОВА,
Навоий вилояти, Нурота шаҳри.

104 ЁШЛИ ОНАХОН

Найман қишлоғилик Ҳикматхон буви Йўлдошева узоқ йиллар собиқ А.Навоий номли ширкат хўжалигида (ҳозирда фермер хўжалигига айлантирилган) кетмон чопди, ипак қурти парвариш қилиб, илғорлар даврасидан ўрин олди, мукофотлар билан тақдирланди. Онахон турмуш ўртоғи Алдаш ота билан 3 фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди, эл-юртга қўшишди. Ўғли Восилжон меҳнат фахрийси, Азаматжон - ишчи, Носиржон эса шифокор.

Келинлари Ойтожихон, Ҳафизахон, Шарофатхонлар онахоннинг жону дили. Ҳикматхон буви уларни қизларим, дея эркалатади, билмаганларини эринмай ўргатади. Мен ҳам гулларга бурканган саранжом-сариштa хонадонга бориб, онахон билан дилдан суҳбатлашдим, унинг дуосини олдим.

25 невара, 32 чеваранинг бувижониси Ҳикматхон буви гапга чечан, ҳушчақчақ.

- Онам янгиликларга жуда ҳам қизиқади. Газета ва журналларни келтириб, мақолаларни ўқиб бераман,-дейди ўғли Азаматжон суҳбатимизга қўшилиб.

- Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами билан сизни табриклагани келдик,-десам, онахон севинганидан кўзларига ёш олди. Фаровон даврimizга шукроналар келтирди. Юртбошимизни, юртдошларимизни узоқдан-узоқ дуо қилди.

Ҳикматхон буви билан хайрлашиб чамандай очилган гулларга бурканган хонадондан чиқар эканман, онахонга жуда ҳавасим келди. Юзидан нур ёғилиб турган онахоннинг 104 ёши ҳаммамизга насиб қилсин, дея кўнглимга тугиб қўйдим.

Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,
Андижон вилояти, Маънавият ва маърифат маркази Булоқбоши туман бўлими раҳбари.

КЎНГИЛ СЎРАГАНДИМ...

1961 йилнинг охирларида армия хизматига чақирилдим. Москвада, қурилиш батальонларида хизмат қилдим. Хизмат кунларининг бирида бўлим командири Қобиловнинг оёғи шикастланди. Уни тезда "тез ёрдам" чақириб, госпиталга жўнатдик. Орадан 5-6 кун ўтгач, ойлик олиб, Қобиловни кўришга бордим.

Қобилов билан ниҳоятда дўстлашиб қолган эдик. Айниқса, армияда, ёру дўстлардан, ота-онадан йироқда, мусофир юртда киши бир-бири билан ниҳоятда дўстлашиб қоларкан. Ҳамширалардан бирига Қобиловни чақириб беришни илтимос қилдим. У тезда чиқди. Мени кўриб йиғлаб юборди. Чунки уни шу 5-6 кун ичида ҳеч ким йўқлаб келмаган эди. Қучоқлашиб кўришдик. Анча суҳбатлашиб ўтиргач, хайрлашдик. Ҳарбий қисмимга қайтиш учун аввал автобусга миндим, сўнгра метрога тушдим. Метрода бир чол лотерея чипталарини сотаётган экан.

- Менга лотерея чипталаридан беринг, - дедим.

- Ўғлим, ўзинг хоҳлаганингдан 3 дона ол. Бахтинг чопса, бирор нарса ютарсан, - деди.

Орадан 15 кунлар чамаси вақт ўтди. Бу орада Қобилов госпиталдан келди. Лотерея ўйинлари бўлиб ўтганидан хабарим бор эди. Мен ҳазиллашиб, жўраларимга лотерея чиптамга музлатгич чиққанини айтдим. Уларнинг кўпчилиги менинг бу гапимга ишонишди. Айтдим-у, ёлғон гапирганимга ўзим хижолат бўла бошладим. "Нега аскарларга ёлғондан лотореяга музлатгич чиқди, дедим. Эй, Оллоҳим, кечиргин мени! Дўстларим орасида мени ёлғончи қилмада", дея илтижо қилардим. Ротада шу куни взвод командири сержант Татарко навбатчи эди. Ундан:

- Омонат кассасига (қисмимиздан 300 метрлар чамаси узоқликда эди) бориб, лотерея чипталаримни кўрсатиб келсам майлими, - деб илтимос қилдим.

- Агар бирор ютуқ чиқса, ювамизми? - деди сержант Татарко.

- Бўпти! - дедим.

Кассир қиздан газетани олиб қарадим. Ютуқ қаторида "пианино" сўзини ўқиб:

- Яхши қиз, кўринг-чи, мен ростдан ҳам пианино ютибманми? Ўз кўзларимга ишонмаяпман, - дедим.

У газетага кўз югуртирди-ю, мени қучоқлаб ўпди.

- Чин юрагимдан табриклайман, - деди қувониб. - Пианино чиқибди, нархи 526 сўму 50 тийин экан. Пулини оласанми, ўзиними?

Мен пулини олишимни билдирдим. Чунки пианино чалишни билмасдим. Қувончимнинг чеки йўқ эди. Дарҳол онажонимга хат ёздим. "Бу пулга нима олай" деб..." Онажонимдан: "Каттароқ гилам олиб юбор", деган жавоб хати келди. Мен онажонимнинг истакларини амалга оширдим...

Учинчи лотореяни кўрганим ҳам йўқ. Энди ўйлаб қарасам, Оллоҳ таоло айтганидек, бир яхшилик, ўнта, юзта бўлиб қайтар экан. Нега дейсизми? Ўша Қобилов дўстимни кўришга борганимда сарфлаган 3 сўм пулим, 526 сўму 50 тийин бўлиб, Оллоҳдан қайтди. Ўзбекчилик, урф-одатларимиз қон-қонимизга сингиб кетган. Беморни кўргани борсангиз, соғ-саломатлигини билсангиз ўзингиз ҳам қувонасиз, беморнинг ҳам димоғи чоғ бўлади.

Парвардигорим ҳамманинг дардига ўзинг шифо бер. Қариликда ҳеч кимга муҳтож қилма. Агар бу мақола чоп этилса, навоийлик (Ҳазора деган жойдан) Қобилов фамилияли узун бўйли, қора мағиздан келган дўстимни топармидим, деган умиддаман. Бизлар 1961 йилнинг декабридан, 1964 йилнинг декабр ойи охирларигача Москвада қурилиш батальонида хизмат қилгандик.

Файбулла АБДУЛЛАЕВ,
нафақадаги ўқитувчи,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани,
"Зарафшон" ш/х.

Оила ва жамият менинг ҳаётимда 15 йил

Баъзи-баъзида ичимга чироқ ёқса ҳам ёришмайди. Аммо камдан-кам ҳолларда хафа кўришган дўстларим, атрофдагилар менга ҳавас билан қарашади: "Сизга маза, доим хурсанд кулиб юрасиз-а, опа!"-деб қолишади. Бу гапларни эшитиб, кулиб қўя қоламан, лекин юрагимдан ўтганини ўзим биламан. Мен бировга арзи дод, ҳасрат қилишни, бировлар билан сирлашишни истамайман. Чунки ҳаётда олдимга дўст бўлиб келиб, душманнинг ишини қилган "дўст"ларга ҳам дуч келганман. Шунинг учун мен бошқаларга ҳадеганда ҳам ишонавермайман. "Оила ва жамият"ни эса ўзимга энг яқин сирдош, деб биламан. Газетанинг ҳар бир сонини авайлаб-асраб қўяман. Чунки ҳар бир мақоладаги воқеалар гўё менинг ҳаётим билан боғликдек, ўқиб қай бирига қўшилиб йиғлайман, қай бирининг хурсандчилигини ўз хурсандчилигимдай қабул қиламан. Мақолалардаги ўз фикримни ёзиб юрагимни озгина бўшатиб, уларни бегоналар ўқиб қолмасин деб яна йиртиб ташлайман.

Кўпчилик менга: «Сизга нимаси ёқади шу газетанинг? Турган-битгани ғам-ҳасрат-ку!», - деб савол беришади. Мен бу саволни берган одамларга: "Сен агар инсон бўлсанг ҳеч қачон фақат ўз ташвишинг билан яшамагин. Бугун қисқадан ҳисса тарзида газетада ёритилган ташвишлар дунёда борлигини ўқиб билмасанг, шу ҳодиса эртага ўзинг ёки яқинларинг бошига тушса шошиб қолишинг мумкин", деб жавоб бераман. Мен таҳририятга бир неча бор мактуб ёзиб йўлладим. Ҳаммаси чоп этилди. Жумладан, 2005 йил 20-сонда чиққан "Баъзи қон севгим менинг" номли мақоладаги Камронжоннинг тақдирига ҳеч ҳам бефарқ қараб тура олмадим. "Дардингни олай, Камронжон!" номли мақоламни ёздим. Газетада чоп этилди. У йигит билан, ҳозирда опа-ука бўлиб кетганмиз, "борди-келди"-миз яхши.

Хуллас, ушбу газета ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган. Дўстлар орттирдим, кимгадир далда бўлдим, мақолалар эса ўз ғам-ташвишларимни унутишимга кўмак берди. Ҳаётга яхши кўз билан қарашга, тўғри йўлни кўра билишга ўргатди, инсон қийинчиликларга дош берса, ёруғ кунлар албатта келиши муқаррарлигига ишонч ҳосил қилдим.

София ВАФОЕВА,
Яккабоғ Иқтисодиёт коллежи услубчиси.

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУШОЗАРА.

«Қайнона нега қайнади?» номли мақоламдан сўнг, таҳририятга мактублар келди ва уларнинг баъзилари газета саҳифаларида эълон қилинди. Шундан сўнг кўпгина давраларда, жойларда, «қайнона ва келин» хусусидаги баҳсу мунозараларга сабабчи ва гувоҳ бўлдим.

- Келин бир оиланинг фарзандини ўзига муносиб кўриб, унинг орқасидан келдими, шу оилани ҳам ўзига муносиб кўриши керак. Бу оила унгача ҳам мавжуд бўлган. Ўз тартиб-интизоми бор. Ҳозирги келинлар келган заҳоти, ўз оиласидаги шарт-шароитни, тартиб-интизомни тушган оиласида ўрнатмоқчи бўладилар. Бу шу оиланинг камситилиши эканлигини билмайдилар. Қолаверса, кўпчиликдан иборат катта бир оила битта янги келган келиннинг янги тартиб-тузимига бирданига ўтиб кетолмайди-ку. Худди шу нарса менинг ҳам бошимдан ўтган, - дейди бир жувон. - Шунда қайнонам мен билан "ади-бади" айтишиб ўтирмадилар. "Қизим, ҳеч дарёни кўрганмисан? Юр", - деди-ю, эринмай қишлоғимиз яқинидаги шовуллаб оқадиган дарёга олиб бордилар. "Тасаввур қил, бизнинг оила катта бир ҳайқириб оқаётган дарё. Сен унга қўшилган кичик бир ирмоқ. Ирмоқ ҳеч қачон дарёнинг оқимини ўзгартира олмайди. Унга сингиб кетишга уриниш керак. Уни ўз ортидан эргаштирмоқчи бўлиб, бошқа томонга бурилса, ўзи ундан ажраб, бир четда қолиб кетади. Бундан дарё эмас, ирмоқ ютқазади. "Кўз олдимда ҳақиқат бор бўйича намоён бўлди. "Вақти келар, сен ҳам фарзандлар ўстириб, катта дарё бўларсан, ўзинг хоҳлаганингдай оқарсан", дедилар. Яқинда келин тушираман, худди раҳматли қайнонамдай уни дарёнинг бўйига олиб бораман, - ҳикоясини тугаллади у кўзларига ёш олиб.

- Мен ёлғиз, ўлгудай эрка қиз эдим. Катта оилага келин бўлиб тушдим, - дейди Меҳринисохон. -Тўйимиздан икки ой ўтгач, эрим армияга кетди. Ёшман, ўжарман. Мен учун энг керакли инсон бу уйда йўқ. Ҳеч тургим келмайди. Ҳадеб ота-онамникига чопаверараман. Эримнинг оила аъзолари норози бўлиб, тўнғиллашиб ғашимга тегишади. Мен баттар ўчакишиб, ота-онамникида бирор ўн кун ётиб келишимни айтдим. Шунда қайнонам мени четга чақириб, кўзларига ёш олдилар. "Болам, ҳозир эрингиз - жонимдан ортиқ ўғлим бағримда йўқ. Уни соғиниб, юрак бағрим эзилиб кетганида ҳар куни кечаси унинг хонасидаги чироқнинг ёниб турганини кўриб ҳудди болам уйдадек туюлади. Таскин топаман. Агар сиз онангизникида ётиб қолсангиз, боламнинг уйида чироқ ёнмайди-ку. Қопқора деразага қараб, унинг йўқлигидан бағрим ҳувиллаб, адои-тамом бўламан-ку", - дедилар. Юрагим қаттиқ ачишиб кетди. Шу-шу ота-онамникида ётиб қолишни ўйламай қўйдим. Ҳатто, ўшандан сўнг йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам бирор марта ота-онамникида ётиб қолган эмасман. Агар қайнонам менга хукмбардорлик қилиб, рухсат бермайман, тамом, деганида менга бошқача таъсир қилиши, мени қайириб олиши амри-маҳол эди.

- Мен келин бўлиб тушган оила катта эди, - деди бир ёшгина келинчак. - Бирам юмушлари кўп, оғир эди мен учун. Ёлғизгина бувим билан ўсганман. Иккита тухумни чақиб овқат тайёрлаб, еб кетаверардик. Бувим менга қараб ўтирмай ўзининг кийимларини чайиб олаверар, мен ҳам шундай қилардим. Хоҳлаганда ётиб-тураверардик. Мен эски ҳаётимни қўмсаб, эримни авраб, бўлиниб чиқишга кўндирдим. Яқинда эрдан ажраб келган туғмас холамнинг ҳиссаси бу ерда катта бўлди. Бўш пайқаб қолган қайнонам қаршилик кўрсатиб ўтирмай, бўлиб қўя қолди. Ҳатто, турмушимга аралашмай мутлақо ўз ҳолимга ташлаб қўйди. Бошида қувончимнинг чеки йўқ эди. Кўп ўтмай эгиз фарзандлар кўрдим, ит азобида қолдим. Чақалоқларни эплолмайман, оиладаги етишмовчилик туфайли оч қолиб кетишларим... Чўп бўлиб қолдим. Шундай пайтда қайнонамникидаги доим овқат қайнаб турадиган қозон, қачон чақалоқ олиб келасиз, деб ҳоли-жонимга қўймайдиган қайнсингилларим кўз олдимга келадию, минг бора пушаймон қиламан. Холамнинг тили қисиқ, дам болаларимга қарашган бўлади, дам овқат ташийди. Қўлдан берганга қуш тўймас, деганлари рост экан. Яқинда холамни ўртага қўйиб қайнонамникига қайтиб боришга рухсат сўрадим. Қайнонам мен билан жанжаллашиб ўтирмай сабр билан ноҳақлигимни шундай исботладики, бир умр тили қисиқ бўлдим. Ҳатто, аҳмоқ холамни ҳам жимгина мот қилиб, бошини эгиб ялиниб боришга, аҳмоқлигини тан олишга мажбур қилди.

Суҳбатлардан шу нарса маълум бўладики, қайноналик бурчини тўғри бажариш учун ҳам илм керак экан. Қайноналик илми. Халқимизда бир ажойиб мақол бор: Катта арава қаердан юрса, кичиги унинг изидан юради. Ҳамма гап қайнонага бориб тақалмоқда. Келин қандайлигидан, қандай ўйлашидан қатъий назар қайноналик илми орқали уни ўзи истаган йўлига солиб олиши мумкин экан. Қани эди ҳамма қайноналар қайноналик илмларини ишга солсалару, барча муаммолар, барча бахтсизликлар пардай осонгина тарқаб кетса...

Насиба РИЗАЕВА

ҚАЙНОНАЛИК ИЛМИ

ГАЗЕТАГА МЕҲРИМ ЎЗГАЧА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...



Шу-шу бўлди-ю, "Оила ва жамият" мени ўзига ром этди. Бугунги кунда газета-журнал кўп, танлаб ўқиш имконияти бисёр. Лекин узоқ-узоқ туман ва қишлоқлардан мактуб йўллаган газетхонларнинг қувончу ташвишларига, дил розларига, қалб дардларига малҳам ва маслаҳат сўраб битган номаларига бефарқ қарамай, ўз саҳифаларидан кенг жой берадиган нашрлар саноқли. Ана шу саноқли газеталарнинг энг биринчиси, шубҳасиз, "Оила ва жамият". Бу газета ўқувчилари ўзлари учун жуда катта маънавий озуқа ва ҳаёт мактаби сабоғини оладилар. Биласизми, айрим мақолалар ижодимга-янги тўртликлар, ҳазил шеърларга илҳом беради.

- Нега айнан ҳазил шеърлар ёзасиз?

- Ҳазилни, бечараз кулгуни яхши кўраман. Кулгу турмушнинг "мушт"ларини унутишда, керак бўлса, енгил ўтишда инсонга яқин кўмакчи, деб биламан. Ҳаётда учрайдиган турли воқеаларга ҳазил-мутойиба билан муносабат билдирилганда ўқувчи, бир томондан миримиқ кулса, иккинчи томондан шеърда тасвирланганга ўхшаган ҳолатга тушиб қолмаслик ёки ўшандай қусурлардан ҳоли бўлишга интилади. Шу туфайли ҳазил шеърнинг тарбиявий таъсири кучлироқ бўлади, менимча.

- Оилангиз ҳақида ҳам билгимиз келади?

-Турмуш ўртоғим Ҳилолхон уй бекаси. Барака топкур, 3 ўғил ва 1 қизимизнинг яхши инсонлар бўлиб вояга етишида, хонадонимиздан тинчлик аримаслигида хизмати беқиёс. Фарзандларимиз ҳам турли касбларнинг эгаси бўлиб, эл-юрт корига яраб юришибди. Катта ўғлимизни уйлаганмиз, бир набиранинг бувиси-ю бувасимиз. Худо хоҳласа, олдимизда ҳали яхши тўйлар турибди. Ўшанда сизларни ҳам таклиф қиламан, албатта борасизлар.

-Ҳаммамизни ҳам тўйларга етказсин, яхши кунларда дийдорлашиб туриш насиб этсин, -дея Пардабой ака билан хайрлашдик.

Пардабой ака ўз навбатида янги шеърларини бердилар.

Дармон ИБРОҲИМОВ.

Тушга яқин хонамизга баланд бўйли, барваста, сочларига оқ оралаган киши кириб келди. Ҳаммамиз билан бир-бир ҳол-аҳвол сўрашгач, ўзини таништирди:

- Мен Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани "Сурхон" жамоа хўжалигидан Пардабой Қулатов бўламан. Сизлар билан кўришай, деб атайлаб Тошкентга келган эдим.

Пардабой аканинг тўртликлари неча йилдан бери газетамизда чоп этиб келинаётган бўлса-да, биринчи марта юзма-юз учрашаётган эдик. Шунданими, у киши қаяжонланиб сўзда тутилиб-тутилиб қоларди. Пардабой ака қаяжонини босиб олиши учун имкон бериш мақсадида:

- Таҳририятимизга хуш келибсиз, сиз билан учрашганимиздан хурсандмиз, - дедим. Сўнг у кишини саволга тутдим:

- Сўраганнинг айби йўқ, Пардабой ака, нима касб билан шуғулланасиз?

- Болалигимдан адабиётга, шеъриятга қизиққанман. Аммо оилавий шароит тақозоси боис институтда ўқиш насиб этмади. Қурувчилик касбини танладим ва мана ёшим 50 дан ошибдики, шу касбимнинг орқасидан рўзғор тебратиб келаяпман. Шоирликни даъво қилмасамда, баҳоли қудрат қалам тебратиб тураман. Кўпроқ тўртликлар, ҳазил шеърлар ёзаман. Улардан анча-мунчаси вилоятимиздаги вақтли нашрларда, шунингдек "Оила ва жамият"да чоп этилган.

- "Оила ва жамият"ни қачондан бери ўқийсиз? Умуман, газета ҳақида фикрингиз қандай?

- Биринчи марта газетани 1999 йилда бир танишимникида ўқиган эдим.

- Синглимнинг бошига тушган ташвишлар туфайли келдим бу ерга,-дея сўз бошлади аёл. - Синглим туппа-тузук ишда ишлайди. Топиши ҳам ёмон эмас. Истараликкина. Аммо ҳеч кимдан совчи келмай қўйгач, анча тушкунликка тушди.

- Синглингиз ким билан яшайди?

- Бир хонали уй сотиб олган. У тинч яшар, бўш вақтида келиб менинг юмушларимга қарашарди. Кейин бирданига ўзгариб, ўзига қарайдиган, пардоз-андозни ҳам ўрнига қўядиган бўлди. Буни кўриб биз қайтага хурсанд бўлдик. "Майли, бирортасини севиб қолган кўринади. Тезроқ тўйини қилсак эди", дея орзу қила бошладик. Лекин орадан ярим йил ўтди ҳамки синглим бу ҳақда оғиз очмасди.

ҲАР КИМСАГА ИШОНМАНГ...

- Учрашиб юрган йигитини кўрдингларми?

- Синглим-ку, бу ҳақда индамасди. Бир куни нимадир иш бўлиб унинг уйига бемаҳалда бориб қолдим. У эшикни очганда негадир ранги оқариб кетди. Ҳайрон бўлиб хонага кирдим. Қарасам... Дастурхон ёнида бир йигит ўтирибди.

- Танишинглар, бу Самариддин! - деди синглим .

- Шундан сўнг йигит билан гаплашиб кўрмадингизми?

- Гаплашдим. Иш жойи, ота-онаси ҳақида сўрасам нуқул гапни айлантиради. Синглимнинг орқасидан ошхонага чиқдим-да, " Товламачига ўхшайди-ку, бунинг", - дедим.

- Синглингиз нима деди?

- Индамади. Билдимки, гапим унга ёқмаяпти. Орадан анча вақт ўтди. Бир куни ёмғир шаррос қуйиб турган пайтда синглим кириб келди...

- Нега келган экан?

- Ўша йигитнинг қилмишларидан куйиб, дардини айтишга келибди.

- Йигит уни хафа қилган эканми?

- У тўрт ой йўқ бўлиб кетибди. Бир куни эшик тақиллатиб, бир бадбашара киши хат олиб келибди. Самариддин қамоқда экан. Ўша ерда туриб бир талай нарсаларнинг рўйхатини ёзиб бериб, пул ҳам сўрабди. Синглим унга ачиниб, дарров ҳаммасини тўғрилаб берибди. Шундан сўнг пул сўраб одам юборишлари бир неча марта такрорланибди. Пул беришнинг имконини тополмагач, ҳалиги йигит яна қаердандир қўнғироқ қилиб, агар айтилган нарсалар ва пулларни беришни тўхтатса, аҳволи чатоқ бўлишини айтибди. Хуллас, синглимни қўрқитибди.

- Кейин қандай йўл тутдинглар?

- Биринчи қилган ишимиз синглимнинг уйини сотиш ва телефон рақамини ўзгартириш бўлди. Яқинимиздан уй излаяпмиз. Лекин бу шаҳарда у товламачи билан учрашиб қолишидан хавотирдамиз. Синглим ҳам нодонлик қилиб на унинг ота-онаси-ю, на яшаш жойини сўрамаган экан.

Ўйламай иш тутадиган сингилларга бу аччиқ воқеа ибрат бўлсин, деб таҳририятга келдим...

ГУЛБАШАКАР

ЛЎЛИНИНГ ТАҚДИРИ ЙЎЛЛАРДА...

Йўналиш таксисида узоқдаги қариндошимизни кўриб келишга отландим. Йўлга чиққанимиздан сўнг ғала-ғовур тинчиб ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб кетардик. Мендан олдинги ўриндикда иккита келишгангина лўли йигитлар аёллари билан кетишарди. Лўли йигитлардан бири зерикди, шекилли:

- Ако, ҳоли йўлимиз олисме?- деб сўради.

- Ҳа, анча бор, ука, унгача бир мизғиб олсангиз ҳам бўлади, - деди.

- Бо, хидо, лўлилар йўлда ухларканме? Уят бўлоди-ку! - деди.

- Ие, сен лўлимисан? Меҳмонга кетаяпсизларми? - деб сўради ҳайдовчи.

- Бизни қабила Хўжакентга кетган, биз шуларни олдига кетопмиз. Ҳозир бўлса Марғилондан келопмиз, - деди.

- Сизларга маза-де, ҳали у ёқда, ҳали бу ёқдасизлар! Бизларга ўхшаб қора терга ботиб ишламайсизлар, - деди ҳайдовчи ҳам ўз дардини гапираркан.

- Нега энди, ишлаймиз! Синган чойнак-пиёлаларни чегалаймиз, фол кўрамиз, отларни тақалаймиз, баъзан эса. ...Баъзан уни-буни ўғирлаб ҳам турамиз!

- Ие, ҳозир ким синган чойнак пиёлада чой ичаркан? Унга запчасси қаёқдан оласизлар? Ахир эшагидан тушови қиммат бўлиб кетмайдими?

- Ие, апа, хидойим, ҳамманинг ризқини ҳамма жойдан бериб қўйган. Запчас дейсиз. Ана қаранг, ҳаммаёқда, ахлатхоналарда пиводан бўшаган тунука бонкалар тўлиб ётибди. Олиб текислаб жўмраккa ёпиштирамиз, қўямиз. Ана пул... - деди мамнуният билан.

Қулоққа чалинган гап

- Пул, пул дейсану, уни топганинг билан сарфлайдиган уй-жойинглар бўлмаса! Фақат еб-ичиш билан умринглар ўтадида-а?

-Ҳа, энди лўлининг пешонаси шундай экан-да, ако! Бир уй-жой қилдим, ҳавасингиз келади. Келиб-кетиб юрдим, яхши. Лекин кўчиб келганимиздан кейин шу кошонага сиғмай қолдим. Нуқул юрагим сиқилади, денг! Кечалари юмшоқ каравотдан қуруқ ерга тушиб, бошимга эски хуржунимни қўйиб ётиб юрдим. Тушларимга нуқул олис йўллар киради. Ҳовлига чиқаман, ҳаво етмайди, боққа чиқаман ҳаво йўқ! Охири йиғлайман. Хотиним, онам ҳам шундай қийналиб, касал бўлиб қолдук. Охири уйни сотдигу, йўлга равона бўлдук. Ўнқир-чўнқир йўллардан кетопмиз, бир маза, бир маза. Катта-кичик, илонизи йўлларга чиқиб бир неча кун пиёда юрдик. Бир яйрадик, шу куни йўл четига чодир тикиб қотиб ухладук. Касалимиз ҳам тузалди.

Ана шунақа, ако! Лўлининг ризқи йўлларга сочилган, биз шуни териб ейишдан бахтли. Кенг жойлар, янги-янги юртлар, янги одамлар... Лўли бир жойда яшаса ўлиб қолади, у тушида ҳам йўлларни кўради, туни билан йўлларни соғиниб қолади,- дея завқу-шавқ билан сўзини тугатди лўли йигит.

Аввалига бу суҳбатдан энсам қотган бўлса-да, лўли йигитнинг ўз турмуши ҳақидаги фалсафасига қўшилдим. Ҳар кимнинг ўз тақдири бор, деганлари рост экан.

БАСИРА

ҚАДР

Устунинг қуласа, бағринг тилинар,
Афсуски баъзан кеч тавба қилинар.
Ҳаёт эканида сезмассан буни,
Онангнинг йўқ пайти қадри билинар.

Энди излаганинг топа олмассан,
Пойи қадамини ўпа олмассан.
Соғинчдан тўлгониб ёта олмассан,
Онангнинг йўқ пайти қадри билинар.

Меҳрга ташнадир одамнинг қони,
Бошида бўлмаган, фарзанди қани?
"Болам" деб узилар онанинг жони,
Онангнинг йўқ пайти қадри билинар.

Тунлари интизор энди кутмайди,
Соғинч азобидан тонгинг отмайди.
Орқага қайтишга илож етмайди,
Онангнинг йўқ пайти қадри билинар.

ТОҒА ТАБРИГИ
(Ҳазил)

Жиян, ўзи қалайсан,
Ўтирибсан ялпайиб.
Бундоқ келин олдида,
Қолмагин-да шалпайиб.
Олиб қочмай ўзингни,
Келин томон яқин бўл.
Келин уйса қовоғини,
Жиян, сен ҳам чақин бўл.
Кайфи ошган жўрангни,
Тезроқ уйга кузативор.
Олдингдаги шишадан
Тоғангга ҳам узативор.

ХОТИНИНГНИНГ УРУҒИ
(Ҳазил)

Меҳмон бўлса, хотинингнинг уруғи,
Топилади йўқ жойдан ҳам қуруғи.
Ноз-неъматга тўлиб-тошар дастурхон,
Ош дамланса, гўштидан кўп қуйруғи.

Эр тарафдан келиб қолса қўноқлар,
Ейилади чопиб эрнинг чориғи.
Семиз така сўйса бўлар у куни,
Ўрнига тез кўрсатилар ориғи.
Аммалари келар эмиш узоқдан,
"Сўйманг!" деган хотиннинг бор буйруғи.
Ошдан кўра, гулга ўхшаб турармиш,
Қовурилганда тухумнинг оқ-сариғи.
Меҳмон кетгач, хотинни бир мақтаб қўй,
Бўлмас десанг, пешонангнинг ёриғи.

ТЕШАДАН СЎРА...

- Бинойи йигиту, Зокирга қара,
Уйига бормасдан ичиб юрибди.
- Унинг аҳволини Тешадан сўра,
"Хотин қиз туғди" деб, қочиб юрибди.

АТЛАС КИЙГАН ҚИЗЛАР ҚАНИ?

Кийишганда лов-лов ёнган,
Камалакдай жилоланган.
Ибо билан зеболанган,
Атлас кийган қизлар қани?
Қирқ кокили тарам бўлган,
Ўн беш кунлик ойдек тўлган.
Ошиқларнинг бағрин тилган,
Атлас кийган қизлар қани?
Хоризда ҳам лол боқишган
Товон ила соч ўпишган
Юракларга ўт ёқишган
Атлас кийган қизлар қани?
Кўрган одам ғаши келар,
Биров кулар, биров йиғлар.
Охир бориб нима бўлар,
Атлас кийган қизлар қани?
Момоларин оғритирган,
Атлас бўғча овунтирган.
Удумларни соғинтирган,
Атлас кийган қизлар қани?

Пардабой ҚУЛАТОВ

ҚАЛТИС ВАЗИЯТДАН ЧИҚИНГ!

Хурматли ўғлим Бахтиёржон! Дил изҳорингизни ўқиб, тезда қўлимга қалам олиб, руҳингизни кўтаришга шошилдим.

Сизнинг юрагингизга ўт ёқиб, хотинингизнинг ўтмишдаги сизга қилган хиёнатини фош қилиб, ўзининг ифлос ишини мақтаниб сўзлаши, у инсоннинг тубанлиги, ҳайвоний ҳирсини инсонийликдан юқори қўйишидир, ўзидаги ёмон хислати билан мақтанишидир. Бу мард йигитнинг иши эмасдир.

Балки у эркак сиз аёлнинг эри эканлигингизни билгани учун атайлаб сизни азобга тушиб қолишингизни хоҳлагандир. Бировларга жабр қилиб, дилини оғритиб озор бериш, ундан ҳузур кўриш бу ўта кетган шафқатсизликдир.

Ёш ўтган, ҳеч нарсани ўзгартириб, ҳаётни бошқатдан бошлаб бўлмайди. Нега энди сиз умрингиз охиригача хиёнат азобида қийналишингиз керак? Қийналманг! Бу хиёнатни қилган аёлингиз қийналсин. Бола-чақалар, қуда-андалар, қариндош-уруғлар олдида ҳам бу сирни фош қилиб бўлмайди. "Уят ўлимдан кучли". Бу сир ошкор бўлса фарзандларингизнинг ҳаётига ҳам жуда катта таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам сизга берадиган маслаҳатим шуки, ўша номард, мақтанчоқ эркак билан ёлғиз, гувоҳсиз учрашиб, яхшилаб суҳбат қуринг! Мақсади нима, сўранг! Ҳар кўрганга: "Мен ўша аёл билан бундан бир неча йиллар аввал маишат қилгандим", деб мақтаниб юриши, кимга керак? Шуни тушунтиринг? Ўзингизни оғир тутинг. Ана шунда сиз мард ва қаҳрамон бўласиз. У инсон ҳам сизнинг ақлли иш тутишингиздан яхши фикр чиқаради. Абдулбарахат Қодирий шундай дейди:

Кучли ҳамда шер юрак одамни
сен мард дема,
Ғазаб келса, ғазабин боса олган
мард эрур.

Сиз доим шод яшашга ҳаракат қилинг! Ҳар хил ёмон фикрлардан қалбингизни тозалаб, ҳаётингизни хурсандчиликда ўтказинг. Чунки ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ҳаёт қадрини билиб яшанг! Низомий Ганжавий шундай дейди:

Не учун ўзингга ситам айламоқ,
Йиллар аро ўзни ғамга боғламоқ.
Оғирликни асло олма бўйнингга,
Олган сари кириб борар қўйнингга.

Менга қуйидаги бу воқеани Ҳалимахон деган аёл сўзлаб берганди. Уларнинг қишлоғида (Водилда) икки дўст болаликдан ака-укадай меҳрибон бўлиб ўсишади, мактабни тамомлаб, юридик институтига ўқишга киришади, бирга ўқиб, бир ётоқхонада яшашади. Салим уйланган бўлиб, ёш хотинини Водилда қолдириб, ўзи Тошкентда ўқиётганди. Саида ҳар доим эрини кўргани келиб турар ҳамда ётоқда бирор кун қоларди. Эрининг дўсти Обид уларни ёлғиз қолдириб опасиникига кетарди. Саида тунги поездда эрининг олдига келади. Навбатчи хотин ҳам уни таниб, ётоқхонага киритарди. Хонани очиб кирса, эри ширин уйқуда ухлаб ётибди. Саида эрини уйғотмай, унинг олдига бориб ётади, эр-хотин яқинлашадилар. Эрталаб тонг отса, бу эркак эри эмас, эрининг дўсти Обид экан!.. Шунда Саида нима қилишини билмай, қон-қон йиғлайди. "Бу ишда мен айбдор, сизни эрим деб билмай, олдингизга келиб ётдим. Сизда ҳеч қандай айб йўқ. Энди мен ўзимни ўлдиришим керак. Чунки мен билмай эримга хиёнат қилдим", дейди. Обид ҳам,- «Биз ўз ихтиёримиз билан эмас, қандайдир шайтон васвасаси билан сиз - эрингизга, менмеҳрибон дўстимга хиёнат қилдим", дея жуда қаттиқ хафа бўлади. Ўйлаб, ўйлаб улар бу ишни ҳеч кимга айтмай, сир тутишга қарор қилишади. Салим бир неча кун амалиётда бўлгани учун Саида Водилга қайтиб кетади.

Кунлар ўтиб, улар ўқишни тамомлаб, Салим Водилга судья бўлиб ишга тайинланади. Обид эса Марғилонда терговчи бўлиб ишлайди. Обид уйланади, кўп фарзандлар кўради. Саида Салимдан битта қиз фарзанд кўради-ю, бошқа фарзанд кўрмайди. Салим ҳам Саидага: "Даволаниб, биз ҳам яна фарзанд кўрайлик. Мен ҳам ўғил фарзанд кўрай", деган таклифни қўяди. Улар шифокорга учраб, даволанишни бошлайдилар. Шунда шифокор Салимга: "Сиз ҳеч қачон фарзанд кўрмайсиз", дейди. Шунда Салим: "Хотиним мендан қиз фарзанд кўрди-ку", дейди. Шифокор:-"Бўлиши мумкин эмас, сизда мутлақо бола бўлмайди", деб унинг касалини айтади. Салим Саида билан суҳбатлашиб, бундан 20 йил олдин ўтган воқеани билиб олади. Салим тақдирга тан бериб, Саидани ҳам, дўстини ҳам кечиради.

Оз вақт ўтиб, Саида касалхонага юрак касали билан тушиб қолади. Шунда Ҳалимахонга бўлган воқеани сўзлаб беради. Саида касалхонада вафот этади. Салимни Саиданинг ўлими азобга солади. Лекин хотинининг фарзанди Сожида унга доим меҳрибон қиз бўлиб яшайди.

Гайнижамол Абдулла қизи,
Тошкент шаҳри.

"Маслаҳатингизга зорман" - 31-сон

14.40 Матонат.
14.55 Омон бўлинг!
15.00 "Муҳаббат қаҳваси".
15.50 Мафтунингман, Ватан!
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Ўзбекистон суръати (инглиз тилида)
16.40 Чемпион сирлари
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Мультсериал: "Ибратли саргузаштлар".
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 Полапон.
17.45 Анонслар.
17.50 Солиқ хизмати хабарлари.
18.00 "Меҳробдан чаён".
18.45 Давр-репортаж.
18.55 Ёшлик наволари.
19.00 Давр.
19.30 Эълонлар.
19.40 Сериал: "Сеҳрли тош".
20.10 Спорт-лото.
20.30 "Моя мечта". Дунё таомлари.
21.05 Омон бўлинг!
21.10 Сериал: "Зерда".
22.00 Давр.
22.45 Жаҳон киноси: "Васаби".

"ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Гваделупе".
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Саньат гулшани".
10.10 "Интервью" /рус/.
10.20 "Иқтисод - ревью".
10.30 "Эрудит". /рус/.
10.50-12.00 Кино. "Эники-беники операцияси". /рус/.
X X X.
18.00 "Афиша". /рус/.
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт".
18.50 "Гваделупе".
19.50 **"2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили": "Саломат бўлинг".**
20.00 **"Пойтахт".**
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 "Кўрқмас ва довюраклар". Телесериал /рус/.
21.05 "Репортаж" /рус/.
21.15 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 **"Маърифат фидойилари".**
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино. "Уч қочоқ" /рус/

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 Мультфильм.
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.20 "Снукер".
10.00 Детективлар.
10.35 Ринг.
11.05 Киокушинкай каратэ. Ўзбекистон чемпионати.
11.25 "Ўрта ер денгизи".
12.10 "Спорт-менинг ҳаётим".
12.30-14.05 Еврофутбол. Англия премьер лигаси. "Ливерпуль"-"Ньюкасл".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.55 Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги.
19.15 "Футбол-менинг ҳаётим" (Олимжон Акбаров хотирасига бағишланади)
20.00 "Вести".
20.25 "Мўжизалар майдони".
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Аптека эшитади".
22.35 "Не сошлись характерами". Бадиий фильм.
23.45 Еврофутбол.

TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 "Юлдузли пайшанба"
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
16.50 Узбек наволари
17.00 "Судьбы"
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал "СОБАКА НА СЕНЕ" 2-серия
20.15 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Худ. фильм "НОЭЛЬ"
23.50 Миксер

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Сестры по крови».
9.00 «Умножающий печаль». Многосерийный фильм. Заключительная серия
10.10 «Малахов +»
11.00 Новости
11.30 «Лолита. Без комплексов»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 Премьера. «Контрольная закупка»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Вне закона. «Клеймо зверя»
14.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Поле чудес»
18.55 Премьера. «Сестры по крови».
20.00 Время
20.25 «КВН-2006». Высшая лига. Летний кубок
22.25 Премьера. Моника Беллуччи, Брюс Уиллис в фильме «Слезы солнца» (2003 год)
0.25 Что? Где? Когда?
1.40 Курт Рассел в комедии «Подержанные автомобили»
2.00 Время
2.25 Комедия «Подержанные автомобили». Продолжение
4.00 Сериал «Дефективный детектив»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Мой серебряный шар. Ирина Печерникова». Ведущий - Виталий Вульф.
8.45 «Мусульмане».
9.00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11.50 «Ха». Маленькие комедии.
12.00 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12.30 «Вся Россия».
12.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17.40 «Волчица». Телесериал.
18.35 «Зеркало».
18.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 ПРЕМЬЕРА. «Юрмала-2006». Международный фестиваль юмористических программ.
22.10 Максим Аверин, Станислав Садальский, Лариса Удовиченко, Виктор Сухоруков, Ирина Муравьева, Валентин Смирнитский, Юрий Гальцев и Ольга Сидорова в комедии «Любовь зла...». 1999г.
23.45 Арнольд Шварценеггер в фильме «Детсадовский полицейский» (США). 1990г.
2.00 «Дорожный патруль».
2.15 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
3.00 Энджи Дикинсон и Брайан Деннехи в телесериале «Перл-Харбор»
3.50 Канал «Евроньюс» на русском языке. до 3.59.

ШАНБА 23

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.45 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Чинининг саргузаштлари". Мультсериал.
9.40 Биржа ва банк хабарлари.
9.45 ТВ анонс.
9.50 "Шифокор қабулида".
10.10 "Мусиқа дунёси".
10.30 "Оналар мактаби".
10.50 1."Рангинкамон". 2."Дидар".
11.30 "Хонадон". Телесериал.
11.50 "Интеллектуал ринг".
12.35 ТВ анонс.
12.40 "Орзулар ортида". Бадиий фильм.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Ватанпарвар".
"Болалар сайёраси":
16.20 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.20 "Шўрданак". Ҳажвий кўрсатув.
17.45 "Шахсий фикр".
18.20 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
18.40 ТВ анонс.
18.45 "Минг бир маслаҳат".
19.05 "Оҳанглар оғушида".
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Меҳр кўзда".
20.50 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Янги оҳанглар". "Сарбон" гуруҳи куйлайди.
22.05 "КиноТеатр".
22.35 "Худди ота-боладек". Бадиий фильм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Сериал: "Зарда".
8.40 Анонслар.
8.45 Минг бир чўпчак: "Аловуддиннинг сеҳрли чироғи".
10.00 Давр.
10.15 Кино-SMS.
10.20 Интерфутбол.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Анонслар.
13.20 Юлдуз билан...
13.50 Давр-репортаж.
14.00 "YOSHLAR"ДА КУЗ ОКШОМЛАРИ.
15.30 "Моя мечта". Дунё таомлари.
16.00 Давр.
16.15 Қаҳқаҳа.
16.45 Антиқа томоша.
17.15 Анонслар.
17.20 Бола тилидан.
17.50 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили: "Саховат".
18.15 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига: "Устоз ҳақида сўз".
18.20 Каталог.
18.30 "Камолот" хабарлари.
18.40 Дунё бўйлаб...
19.00 Давр.
19.30 Эълонлар.
19.40 Миллий сериал: "Севги фариштаси".
20.20 SMS-наволар.
20.45 "Ортиқ"ча клиникаси. 4-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
21.55 Эълонлар.
22.00 Давр.
22.45 Жаҳон киноси: "Қоя".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **"Салом, Тошкент!" Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.**
8.30 "Анонс".
8.35 "Гваделупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Саломат бўлинг".
9.35 "Ретро мусиқа".
9.55 "Маърифат фидойилари".
10.15 "Анонс".
10.20 Мусиқа SMS.
10.40 "Репортаж"/рус/.
10.50 "Афиша". /рус/.
11.00 "Анонс".
11.05 "Эрудит". /рус/.
11.20-12.50 Кино. "Уч қочоқ" / рус/.
X X X.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Афиша".
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Гваделупе". Телесериал.
19.25 Мусиқа SMS.
19.45 "ИИВ хабарлари".
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури (рус)**
20.15 "Анонс".
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 "Камин олдида суҳбат"/рус/
21.05 "Интервью".
21.15 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Киноконцерт".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус)
22.50 Кино. "Иблис ҳимоячиси"

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.10 "Смак".
9.30 "Фазенда".
10.00 "Паҳлавон".
10.30 Болалар учун фильм.
12.00 "Иқтидор". Интеллектуал шоу дастури.
12.50 Бенифис Геннадия Хазанова.
14.10-15.00 "Маҳалламиз паҳлавонлари".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.50 "Военное дело".
19.10 "Юрмала-2006".
20.00 "Вести".
20.25 "Кўнгил- кўнгилга пайванд".
21.10 "Захирадаги спортчи".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Катта пойга".
23.20 Еврофутбол. "Ливерпуль"-"Тоттенхэм".

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
13.30 "ТОП-20"
14.15 Мировые хиты
14.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
14.50 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 "Очил дастурхон"
17.00 Узбек наволари
17.30 "Юлдузли пайшанба"
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Индийское кино. Худ. фильм "ДОЛГОЖДАННЫЙ" 1-серия
21.00 Узбек наволари
22.00 Худ. фильм "ТРУДНОСТИ ПЕРЕВОДА"
24.00 Узбек наволари
00.30 "Миссия неповторима"

ОРТ

5.00 Новости
5.25 Фильм Всеволода Пудовкина «Жуковский»
7.00 «Виталий Соломин. Последние 24 часа»
8.00 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.30 «Фазенда»
10.00 «Первый раз замужем». Документальный фильм
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Тибетский поход Третьего Рейха»
12.10 Премьера. «Марк Бернес. «И надеюсь, что это взаимно»
12.55 Х/ф «Поезд с деньгами»
15.00 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Локомотив». Прямой эфир. В перерыве - Новости(с субтитрами)
17.00 Вечерние новости.
17.10 Премьера «Новые песни о главном»
18.40 Премьера. «Большие гонки»
20.00 Время
20.20 Премьера. «Звезды на льду»
21.50 Премьера. Аль Пачино в триллере «Деньги на двоих».
23.55 Джек Николсон в комедии «Состояние»
1.30 Любовь Полищук, Александр Михайлов в детективе «Вербовщик»
3.05 Сериал «Дефективный детектив»

РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.20 «Субботник».
9.00 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 ПРЕМЬЕРА. «Ожидание императрицы».
12.00 «Аншлаг и Компания».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 РОДНОЕ КИНО. Оксана Акиньшина, Катя Горина, Александр Баширов и Кирилл Пирогов в фильме Сергея Бодрова-мл. «Сестры». 2000г.
15.00 «Переживший тирана».
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17.00 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17.30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
18.00 «Его знали только в лицо. Трагедия комика».
19.00 ВЕСТИ.
19.20 «Танцы на льду. Ваш выбор».
19.55 «Субботний вечер».
21.50 МИРОВОЕ КИНО. ПРЕМЬЕРА. Анджелина Джоли, Итан Хоук, Кифер Сазерленд и Оливье Мартинес в триллере «Забирая жизни». 2004г.
23.55 Али Лартер в остросюжетном фильме «Пункт назначения-2»
1.45 НОЧНОЙ СЕАНС. Кайл МакЛахлан и Элизабет Шу в остросюжетном фильме «Эффект спускового крючка» (США). 1996г.
3.20 Канал «Евроньюс» на русском языке. до 3.51

ЯКШАНБА 24

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Тазарру". Видеофильм.
9.20 "Шарқ тароналари-2005".
"Болалар сайёраси ":
10.15 "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
10.55 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
11.15 "Ҳажвия бисотидан".
11.35 "Навобахш". Ток-шоу.
12.25 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "50х50". Ток-шоу.
16.10 "Муҳаббат қасри". Телетеатр.
16.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Сирли сандиқ". Мультфильм.
17.45 ТВ анонс.
17.50 "Одами эрсанг. "
18.10 "Олтин мерос".
18.25 "Рамазон туҳфаси".
18.45 "Минг бир ривоят".
18.50 "Ҳамон ёдимда. "
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳаҳиқатлар". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Заковат".
23.00 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.10 "Яратганга шукур". Бадиий фильм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 Оҳанрабо.
8.45 "Камолот" хабарлари.
8.55 Ватан ҳақида ўйлар.
9.00 "Ватанпарвар" дастури.
10.00 Journal (инглиз тилида)
10.20 Якшанба нонуштаси.
10.50 Дунё бўйлаб...
11.10 Анонслар.
11.15 Мафтунингман, Ватан!
11.30 Ёнимдаги бахт.
11.35 Ислом оламининг гавҳари.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 "Ортиқ"ча клиникаси. 4-қисм.
13.30 "Гап йўқ!"
14.10 Ҳинд киноси: "Мен ва сен". 1-2 қисмлар.
16.40 Кино-SMS.
16.45 Саховат.
17.10 Чемпион сирлари.
17.30 Миллий кино: "Тангалик болалар".
18.45 SMS-наволар.
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.35 Эълонлар.
19.40 Миллий сериал: "Севги фариштаси".
20.20 "Дилрабо". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов.
20.40 "Қилни қирқ ёриб..." Интеллектуал ўйин.
21.25 Эълонлар.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 Жаҳон киноси: "Темир никобли одам".
00.10 – 00.15 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **Салом, Тошкент!".**
8.35 "Гваделупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.25 "ИИВ хабарлари".
9.40 "Киноконцерт".
10.00 "Интервью".
10.10 "Афиша".
10.45 "Камин олдида суҳбат"/рус.
11.20 "Эрудит". /рус/.
11.35-13.25 Кино "Иблис ҳимоячиси" /рус/.
X X X.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм. "Покахонтас".
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Саньат гулшани".
18.50 "Кино мўжизалари". Илмий-оммабоп фильм /рус/.
19.40 "Ҳангома": Х. Тожибоев.
20.05 "Дилкаш наволар": М. Асалхўжаева.
20.30 "Телекурьер-маркет".
20.50 "Жозиба".
21.05 "Эрудит". /рус/.
21.20 "Туризм ҳақида". /рус/.
21.50 Якшанба кинозали: "Питер FM". /рус/.

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.10 "Ўйлда ёзилмаган қайдлар".
9.25 "Ҳамма уйдалигида".
10.20 "Аралаш".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 "Рақибингиз гроссмейстер".
12.10 Болалар учун фильм.
13.40 Мусиқий марафон.
14.20-15.10 "Проф-РИНГ".
***
18.00 "Умид юлдузлари".
18.15 Мультфильм.
18.30 "Версия". Информационтаҳлилий кўрсатув.
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм - аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Юлдузлар муз устида".
21.30 "Талқин". Информационтаҳлилий кўрсатув.
22.00 "Тенгдош".
22.20 "Келин- куёв". Шоу дастури.
23.45 Еврофутбол. Испания чемпионати.
01.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 "Очил дастурхон"
17.50 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино. Худ. фильм "ДОЛГОЖДАННЫЙ" 2-серия
20.40 Мировые хиты
21.00 "ТОП-20"
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино-SMS:
1. Худ. фильм "ТЕРМИНАЛ"
2. Худ. фильм "ИЗГОЙ"
3. Худ. фильм "ФОРРЕСТ ГАМП"
00.40 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

ОРТ

5.00 Новости
5.30 Лев Дуров в фильме «Странные взрослые»
6.55 Искатели. «Война на радиоволнах»
7.40 «Служу Отчизне!»
8.15 «Играй, гармонь любимая!»
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.25 «Пока все дома»
10.20 Воскресный «Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. Светлана Сорокина в документальном сериале «Русские». Фильм 2-й
12.10 Александр Демьяненко, Леонид Куравлев в комедии «По улицам комод водили...»
13.25 «Кумиры». Лев Дуров
14.00 Премьера. «Смешные люди»
15.45 Жан - Клод Ван Дамм в приключенческом фильме «Максимальный риск»
17.25 Премьера. «Семнадцать мгновений судьбы Микаэла Таривердиева»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Премьера. Михаил Пореченков в комедии «Солдатский декамерон»(2005 год)
22.30 Премьера. Джулия Робертс в фильме «Улыбка Моны Лизы» (2003 год)
0.30 Лейтенант Коломбо в детективе «Темная лошадка»
2.10 Сериал «Дефективный детектив»
2.50 «Пока все дома» Ст. редактор Вильчицкая Т.А. Тел. 540-55-86, 24-11

РТР

4.55 Александр Филиппенко в фильме «Женщина для всех».
6.25 «Здоровье».
6.35 «Сельский час».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7.20 «Диалоги о животных».
7.55 ПРЕМЬЕРА. «Десантник Степочкин».
8.20 Юрий Назаров и Александр Новиков в фильме «Команда «33». 1987г.
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10.50 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 «Фитиль N 101». Сатирический тележурнал.
14.05 Жанна Эппле, Дмитрий Брусникин, Владимир Еремин и Галина Польских в криминальной комедии «Сумасбродка». 2005г.
16.05 ПРЕМЬЕРА. «Форт Боярд».
17.45 ПРЕМЬЕРА. «Танцы на льду».
19.00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Сергей Цепов и Петр Зайченко в остросюжетном фильме «Фарт». 2005г.
22.30 Брюс Уиллис, Ричард Гир и Сидней Пуатье в боевике «Шакал» (США- Великобритания-Франция).
1.00 ПРЕМЬЕРА. Венсан Перес в фильме «Счастье ничего не стоит» (Франция-Италия). 2003г.
3.00 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Взгляды» (США). 2005г. до 2.43

Олийгоҳ аудиториясида дарс да.



- Дада мени бугун «Мерседес» машинангизда боғчадан олиб кетинг.

Рассом– А. ҲАКИМОВ

Ўқитувчи:-Қизингизни мактабга одойлоқ кийинтириб юборяпсизми, бу қанақа кийинди? Она:-Қанақа кийинтирай мени шим, қолаверса, қизимнинг хоҳиши.

- Тоза асал деб сотиб бизни номизни булғаётган сенмисан?!!

НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

? Бизни ўраб турган нарсалар нимадан ясалган?

Бизни ўраб турган, ушлаб кўриш мумкин бўлган нарса ҳамда кўзга кўринмайдиган, аммо ҳид билиш органларимиз орқали сеза оладиган газлар (кислород, карбонат ангидрид ва бошқалар) маълум жой эгаллайди ва оғирликка эга. Бизни ўраб турган ҳамма нарса материядан ташкил топган. **Материя** - атроф-оламни шакллантирадиган нарса. У маълум жойни эгаллагани боис ҳажм ва оғирликка эга бўлади. Баъзан бу сўз ўрнида "материал" сўзи ҳам ишлатилади. Материаллар бир-биридан фарқ қилади, чунки уларни ҳосил қиладиган материянинг ҳоссалари турлича бўлади.

? Нима учун ичимлик сувини тежаб сарфлаш керак, дейишади?

Ариқларда, ҳовузларда, дарё, денгиз ва океанларда сув жуда кўп. Аммо уларнинг деярли ҳаммаси шўр бўлгани учун ичиб бўлмайди. Чунки шўр сув одамни касал қилади. Биз ҳар куни ичадиган, чой дамлашга, овқат пиширишга ишлатадиган ичимлик суви эса дунёда жуда оз. Тасаввур қилинг, дунёдаги ҳамма сув бир челак бўлса, шундан ичишга яроқлиси бор-йўғи бир пиёлагина холос. Бунинг устига ичимлик сувини худди кийим ёки бошқа нарсаларга ўхшаб завод-фабрикада ишлаб чиқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам водопровод сувини худа-беҳуда оқизиб қўйиш, исроф қилиш ярамайди. Зарур бўлмаган пайтда, ишга, ўқишга кетишдан олдин жўмракларни яхшилаб бураб ёпиб қўйиш керак.

? Денгизларнинг суви нега шўр бўлади?



Уларга биров атайлаб туз қўшиб қўймайди. Чунки бунинг учун эҳ-ҳе, жуда кўп туз керак бўларди. Дарёлар ўз йўлида ернинг шўрини тортиб олади, шунингдек деҳқонлар ернинг шўрини ювганда чиқадиган шўр сув ҳам уларга қўшилиб денгизларга боради. Туз эрийди, аммо бўланмайди. Оқибатда денгизлар тубига кўп миқдорда туз чўкиб қолади. Шу боис денгизларнинг суви доим шўр бўлади.

? Нега электр симлари мисдан тайёрланади?

Кечалари бизнинг уйларимизни, кўчаларимизни чароғон қиладиган, телевизор, радио, дазмол, музлаткич кабиларнинг ишлашини таъминлайдиган беминнат ёрдамчи - электр токи электростанцияларда сувдан фойдаланиб олинади. Ток махсус симлар ёрдамида бизга етказиб берилади. Мана шу симлар одатда электр токини яхши ўтказадиган алюмин ва мисдан ясалади. Бу симларнинг усти махсус қоплама билан қопланади. Агар қоплама бўлмаса, ток одамни қаттиқ куйдириши, хатто ўлдириб қўйиши ҳам мумкин. Шу боис электр токидан, умуман электрда ишлайдиган жиҳозлардан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Ёш болалар катталарнинг рухсатисиз телевизор, дазмол каби нарсаларни токка уламаслиги керак.

? Сувнинг қанақа хусусиятлари бор?

Сувни қиздирганда у буғга айланади. Кун совуганда ёки музлаткичга қўйилганда эса ҳарорат 0 даражадан пастга тушиши билан музлайди. Музлаганда сувнинг ҳажми ортади. Яъни 1 литрлик банкага солиб қўйилган сув музлатилса, банкага сиғмай уни синдириб юборади. Шунингдек, таркибидаги туз ва бошқа моддаларнинг миқдорига қараб сувнинг оғирлиги ҳар хил бўлади. Иссиқ сув совуқ сувдан енгилроқ. Масалан, +4 даражада 1 литр ёмғир сувининг вазни 1 килограммга тенг бўлса, у иситилгач, ҳароратга тескари равишда оғирлиги камайиб бораверади.

? Дарёларнинг суви ҳеч қачон тугамайдими?

Дунёда дарёлар жуда кўп. Улар кенг ва тор, чуқур ва саёз, энг асосийси эса сершув ёки суви оз бўлади. Дарёларнинг ҳаммаси тоғлардан бошланиб, кенгликка қараб оқади. Қишда ёққан қор ва ёмғирлар уларни сув билан таъминлаб туради. Катта ва сершув дарёлар ҳеч қачон қуримайди. Дарё бўланиш, суғориш мақсадида ишлатилиш оқибатида кўп сув йўқотса, қуриб қолиши мумкин. Ер юзида кеч кузда ёзнинг бошларигача оқиб туриб, сўнг қуриб қоладиган дарёлар ҳам кўп.

? Энг катта дарёлар қайсилар?

Дунёдаги энг узун дарё Африкада бўлиб, у Нил деб номланади. Бу дарёнинг узунлиги нақ 6670 километр ва у Африканинг ўнга яқин давлати ҳудудидан оқиб ўтади ҳамда минглаб гектар экинзорларга сув беради. Жанубий Америкадаги Амазонка дарёси эса олтита давлатдан оқиб ўтади ва энг сершув дарёлардан бири ҳисобланади. Айрим жойларда унинг эни 350 километргача боради.

Амударё ва Сирдарё Ўзбекистонимизнинг энг йирик дарёлари ҳисобланади. Бу икки дарё кўплаб экинзорларга сув бериш билан бирга, Орол денгизини ҳам сув билан таъминлаб туради. Бундан ташқари юртимизда Чирчиқ, Зарафшон, Норин, Сангзор каби кўплаб кичик дарёлар ҳам бор.

ДАРМОН тайёрлади.

Ушбу шеърлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

ҚУМСАШ

Осмонлардан тушиб келган юлдуз эдим,
Киприкларим оловларга туташ эди.
Дарёларнинг тушларида бир туш эдим,
Дунёлар ҳам бошдан-охир беҳиш эди.

Соғинчларим дийдорлардан дарак берса
Бир боқишим ер-осмонга исён эди.
Бу дунёлар борлигимча ишқ кўринса,
Қайғуси ҳам келар бахтдан нишон эди.

Олмалардек узиб кетди қай бир шамол,
Мен севишга улгурибман билмам, қачон?
Гул фаслимда бунча хазонлилар қайдан,
Юрагингиз шунчалар ҳам торми, Осмон?

Исмингизга кўмилгайдир тўрт томоним,
Борлигим — ишқ, бошдан — оёғингиз кўнгил.
Кўксингизда синиб кетди киприкларим,
Кўзларимга тўлиб келар энг сўнгги йўл.

Ортда — хотир, олдда — хотир, кечолмайман,
Олислаган овозингиз борим эди?
Бунча оғир қанотларим, учолмайман,
Дарёлар ҳам бир хас каби улоқтирди.

Хиёбон ҳам видо айтар видоларга,
Йиғлаётир кўзларимни таниган ғам.
Ўлолмайман, кўксим тўла ҳаволарга,
Бир ўт қани ичиб-ичиб совий десам?!

Нега жимсиз... остонада турибман жим,
Гулман...кулман... гулман... ахир борлигим — дил
Паноҳ бергин, бир илинж бер, Ҳудожоним,
Мен севмаган кундан кўра ўлим афзал!

МАКТУБ

Тушларингга кирибман яна
Зулматларга чўкканда шаҳар.
Ёлғонларга ишонма, Она,
Етиб борса совуқ бир хабар.

Юрагимда шу юртнинг ишқи -
Уфқларда ёнар ҳавасим.
Ҳаққинг бордир менда кўп ҳали,
Тузларингда бор эди ҳаққим.

Ҳаётимни таъқиб қилар ким?
Мен ўзимга йўлман, етмадим.
Йиғирмамда санчар юрагим,
Ёлғонлардан бир сўз айтмадим.

Кўзларингни соғиндим, Она,
Дунё - қора, юрагинг - оппоқ.
Ҳузурингга кечикдим, Она,
Сендан кўра У керак кўпроқ.

Сезгилардан тирилар олам,
У - бир ишқки кўзимга сиғмас.
У - бир мозий унутилмас ғам,
Куйганларим кипригингчамас.

Мен қайгадир шошаман шу он,
Етиб борар балки сўнгги хат.
Мен бахтлиман... фақат, Онажон,
Кўзларимда йиғлар аччиқ бахт!..

ЯШОЛМАЙМИЗ

Энг покиза дарё бўлсанг бўлмасмиди,
Яшил олмалардек тўп-тўп оқиб кетсам.
Осмон бўлсанг, ойдек тўлсам бўлмасмиди,
Қўлларимиз кўтарсак гар Аршга етса.

Чечак бўлсам, саҳро бўлсанг бўлмасмиди,
Чўлларингда бир марта гулдек очилсам.
Найсон ёмғирлари каби ёғиб ўтсанг,
Томчиларинг ичиб дунёсидан кечсам.

Йўлларингни тўсган баланд девор бўлсам,
Ғанимларнинг бўйлари ҳам бўйламасди.
Бир тош бўлсанг отардилар юрагимга,
Гуллар ортиқ сен ҳақингда ўйламасди.

Тун кўксимни ёқмоқ учун олов отди,
Нурдек кириб юрагингга қоришсайдим.
Гуноҳкордек бу қўлларим қонга ботди,
Сен тонг бўлсанг, қамар бўлиб ёришсайдим.

Қайтмас бўлиб узлатларга кетдим бадар,
Энди бизга ҳаёт бермас ғамларимиз.
Ўлолмайман, яшолмайман, севмасам гар,
Сен қуш эмас, мен гул эмас Одамларимиз.

• • •

Бу дунёнинг кирларини кечирамиз,
Юракларга ишқдан гуноҳ ичирамиз.
Сиздан келиш япроғларнинг титроғида,
Мендан бориш азобларнинг сиртмоғида.

Ғариб кўнглим ғамларингиз савоб этди,
Ишқ элини бир-биридан хароб этди.
Видо деймиз туғамайди видоимиз,
Гуноҳимиз кечиргайми, Худойимиз?

Гул барғига тўкиласиз кўнглим қайда,
Мен йиғлайман, сизга борар йўлим қайда?
Кечмоқ учун бирдир қора селларимиз,
Машҳаргача туташмайди йўлларимиз.

Жимир-жимир юлдузчалар дил ёқади,
Сўлғин-сўлғин нигоҳларда гул оқади.
Бир қуш бўлсак толеимиз уйғонмасмиди,
Сирлашгувчи дарё бўлсак бўлмасмиди.

Ошиқлардан қолган дунё ўйинғоҳдир,
Ўйинғоҳга кирган борки гуноҳкордир.
Ишқимиздан бошқа йўқдир хатоимиз,
Тош кўчада ўйнаб ўтар ҳаётимиз.

• • •

Шоир юрагимга ҳеч нарса сиғмас,
Ҳозир шароб керак, сен керак дўстим.
Манов қарсакбозлар дардимни билмас,
Каззоб давралардан жуда зерикдим.

Шунча йил шаҳардан нима изладик,
Қонталаш уфққа ғамлар ботғайдир.
Нега буюк манзилларни кўзладик,
Балки орзуимиз алдаётгандир.

Интиқиб кутади неча тонг отиб,
Телеграф юборган онамиз хати.
Отамиз кетмон чопар терга ботиб,
Қуруқ хаёл суришимиз жуда ғалати.

Сен айтган Одамни қайдан топамиз,
Миллён йил меҳрни кўзларга экдик.
Энди номимизни оқлаб чопамиз,
На яшаб улгурдик, севиб эпладик.

Барига қўл силтаб йиғлашинг тайин,
Кўксимда ҳисларим қолди ялангоч.
Яшаш ҳам бунчалик бўлмасди қийин,
Дунё тафаккурга бўлмаганда оч.

Ўзини зулматга урар оломон,
Энг тоза фикрлар керак Одамга.
Разолат чекинмас экан ҳеч қачон,
Энг тоза фикрлар керак оламга.

Дўстим, ер-осмонга нега сиғмайман,
Айт, қайга кетайин ўзимдан қочиб?
Бир ғафлат келмоқда ухлай олмайман,
Ватаннинг дардларин кўксимга босиб.

• • •

Бўйнингизда қолиб кетди гуноҳларим,
Дарчангизда сарғайди гулнигоҳларим,
Қачон сизни ўлдиради оҳ-воҳларим,
Ёр бўлсангиз, жонни жонга тутмасмидим?

Баҳорларим туманларда қиш бўлгайдир,
Руҳим кўкка учиб соғинч қуш бўлгайдир,
Дийдорингиз энди бизга туш бўлгайдир,
Дил берсангиз, манзилимга етмасмидим?

Елкангизда кимдан қолган қорингиз бор?
Кўрпонингиз беркли, борар ёрингиз бор,
Сочларимда сиз соғинган дорингиз бор,
Келсангиз гар, бир умрга кутмасмидим?

Нолишингиз яна кимни суйдиради,
Боқишингиз дунёимни куйдиради,
Ўлдирса ҳам бўйларингиз ўлдиради,
Севсангиз гар, сизни ташлаб кетмасмидим?

Адиба УМИРОВА

Хайт ташвишлари ва қувончлари

СОХТА БАХТ СОҲИБАСИ

Ўша кунлар футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлаётганди. Тунги 12да футбол берилиши керак эди. Ухлаб қолмаслик учун юзимни совуқ сувга ювиб, ташқарига чиқдим. Ҳаво тафти бироз тушган, ёқимли шабада эсарди. Қулочимни ёзиб, бир-икки жисмоний машқларни бажара туриб, тут дарахти тагида икки қўли билан бошини чангаллаб олган, елкалари титраётган аёлга кўзим тушди. Эътибор қилиб қарасам, Муқаддас опа... Уларни бу аҳволда кўриб, қотиб қолдим. Ахир ҳар доим хушчақчақ юрадиган, ўзининг бахтлилигини, эри билан ўғли ҳар доим атрофида гирдикапалак эканини юз бора такрорлайдиган аёлга нима бўлди экан? Эри билан тортишиб қолган бўлса, оғир ботгандир-да, ярашиб олишар, деган ўйда уйга кириб, маза қилиб футбол томоша қилдим. Эртасига ҳам Муқаддас опани ўша ҳолатда кўрдим. Энди бефарқ ўтиб кетолмадим. Ёнига бордимда, елкасига қўлимни қўйдим. Секин бошини кўтариб менга қаради. Нигоҳи худди яқинларидан ажралиб, ҳаётда ёлғиз қолган гўдакникига ўхшарди. Кўзларидан ёш тирқираб оқар, бутун танаси титрарди. "Тинчликми?" - дедим. Опа индамай ерга қаради. Иложсиз қетишга чоғланган эдим, қўлимдан ушлади бирдан ўкириб юборди.

- Муаззамхон, сизнинг, ўғлингиз ҳам, эрингиз ҳам ўзингизники. Мени тушуна олармикансиз? - деди.

- Нима бўлди? - ҳайрон бўлиб сўрадим.

- Билсизми, эрим мендан олдин уйланган, - дея гап бошлади Муқаддас опа. - Хотини касалманд бўлган, умри шифохонада ўтган. Ўғил кўришган. Аммо кўп ўтмасдан ҳаётдан кўз юмган. Мен эса ота-онам вафотидан кейин ташвишларга ўралашиб, ёшим бироз ўтиб қолган эди. Менга совчи қўйганларнинг ёши меникидан анча кичик ёки уйланиб ажрашганлар бўларди. Танишиб, ўғлини кўргандан кейин, ҳаёт қийинчилигини чеккан эркак экан, ўғлига оналик қилсам, қадримга етади, дея турмушга чиқдим. Тўйдан кейин мен яшаб турган жойдан шаҳарнинг бутунлай бошқа томонига кўчиб ўтдик. Ўғлимнинг ўзимники эмаслигини бошқалар билмасин, юзига солмасин дегандим. Бошда тинч ва яхши яшай бошладик. Ўлмасбекнинг бува-бувилари билан борди-келди қилишга, ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Ўғлимни бувисиникига тез-тез юбориб турдим, улар ҳам келиб кетишлари учун имкон яратдим. Ўғлим ҳар сафар бувисиникидан ўзгариб келар, инжиқ бўлиб қоларди. Бир куни Ўлмасим айб иш қилдию, мен уни бир шапалоқ урдим. Шунда у портлаб кетди: "Нега урасиз, сиз менинг онам эмассиз, ўгайсиз, кўрасиз тоғамга айтаман, каллангизни олиб ташлайди, ўзи" шундай деган, - деди-да ташқарига отилиб чиқиб кетди. Бола-да, бувиси, тоғаси айтган гапларни қўшниларга айтиб, сиримизни ошкор этди. Бир куни мактабдан олиб келаётганимда 3-қаватда турадиган қўшним укасига қарамагани учун боласини кўчадан уйигача аёвсиз уриб, судраб олиб кетди. Ўғлим буни ўз кўзи билан кўрди. Ичкарига кирганимизда қўрққанидан унинг ранги оқариб кетган эди. Унга сув ичирдимда, оналар болалари айб иш қилса уриши, сўкиши мумкинлигини, биз ҳам ёшлигимизда онамиздан таёқ еб катта бўлганимизни хотиржамлик билан тушунтирдим. Мен ўшанда ўғлимдан эмас, унга гап ўргатган катталардан хафа бўлгандим. Ўлмасим ўзи ошкор этган сирнинг, яъни мен унинг угай онаси эканимни болаларга айтиб қўйганининг жазосини торта бошлади. Болалар билан уришиб қолганда, улар ўғлимга "етимча, етти кулча, онанг ўгай", деган гапларни айта бошлашди. У ҳар сафар йиғлаб келганда менинг бағри-дилим эзилиб кетарди. Бундан қутулишнинг ягона йўли бошқа шаҳарга кўчиб кетиш эди. Ўзим севган иш жойимдан воз кечиб, ўша кунлари ишлари юришмай қийналиб юрган эримни ҳам кўндириб, Тошкентга кўчиб келдик. Мана ўн йилдирки, ташвишлардан холи, унга гап ўргатувчилардан йироқда тинч яшаб келаяпмиз. Ҳеч ким бу сирларни билмайди, биров ўғлимни камситмайди. Ўлмасим ҳеч нарсадан зориқмай катта бўлди, олийгоҳга кирди. Дунёда мендан бахтли она йўқ эди.

Муаззамхон, ёшим катта бўлса-да, кўпинча сиздан андоза олардим. Сиз эрингиз олиб берган нарсаларни кийиб хурсанд бўлсангиз, мен ўзим олган нарсаларни эрим олиб берди, деб мақтанардим. Айниқса ўғлингиз туғилган кунида эрингиз сизга "онаси туққан кунингиз билан", деб совға олиб келиши менга жуда ёқарди. Шунинг учун мен ҳам Ўлмасимнинг туғилган кунида унга қўшиб ўзимга ҳам совға олиб, ишхонамда, қўни-қўшнилар олдида мақтаниб, ўзимни энг бахтли аёлдек кўрсатиб юрардим. Нафақат бошқалар, ҳаттоки ўзимни ҳам ишонтириб келаётган сохта бахтимга ҳам кўз тегди. Эрим бетоб ётган онасини кўргани қишлоғига кетган эди, битта сумка кўтариб келди, йўлдан нон олгандир-да десам, бошқа нарса экан. "Бу нима?" - деб сўрасам, менинг тарихим деди. Чой ичиб бўлганимиздан кейин эса қайинсинглим (ўлган кундошимнинг синглисининг қизи) иккаламизнинг олдимизга сумкадаги нарсаларни сочиб ташлади. Булар эримнинг мархум хотини билан тўй кечаси келин-куёв кийимидаги ва байрамларда бирга тушган расмлари эди. Қайнсинглим холасининг расмини қўлига олдию бирдан менга қаради. Мен бутун вужудим музлаган бўлсада, сир бой бермасдан "чиройли тушишган, холангиз чиройли экан", дедим. Ўлганимнинг кунидан расмларни охиригача кўриб, томоша қилдим. Ҳар битта расмни қўлимга олганимда дилим оғрир, ўтган умримга ачиниб кетардим. Наҳотки, 15 йил бирга яшаб, меҳримни, ҳаётимни, ота-болага бахшида этсам-у, эримнинг қалбидан жой ололмаган бўлсам? Шу пайтда мен бир нарсани - қисқа вақт бирга яшаган касалманд хотин эрим қалбидан, юрагидан жой ола билгани, мен билан эса ҳаётий зарурат учун яшаганини, эримнинг олдида қадрим ҳам, ҳурматим ҳам йўқлигини тушуниб етдим. Ахир озгина қадрим, ҳурматим бўлганда, эрим юзингда кўзинг борми демай, ўша ўлган хотинининг синглиси - овсинимнинг қизи бор пайтда расмларни менинг олдимга сочиб ташламасди. Энди мен нима қиламан, бундан кейин қандай яшайман? Ахир мен севиб, ардоқлаб, яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, барча камчиликларидан кўз юмиб келаётган инсон, мени яхши кўриш у ёқда турсин ҳатто ҳурмат ҳам қилмас экан. Буни эслаган сари дилимнинг оғриғи зўрайиб кетаяпти. Аввалари бировлар дилимни оғритдинг деса: "Дил оғриғи қанақа бўларкин?" - дердим. Аслида дунёдаги энг азобли дард экан бу.

Ҳа, Муаззамхон, мен ҳаётини ширин эртакга айлантириб, нафақат ўзини, балки ўзгаларни ҳам сохта бахтига ишонтириб келган, бугун ўша ширин эртаги ёлғонга айланиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб қолган аёлман. Мен эримнинг тарихини кўриб-билиб унга турмушга чиққанман. Лекин вақт ўтиши билан унинг қалбидан жой олишимга ишонгандим. Шунинг учун эримни ҳам, ўғлимни ҳам бутунлай ўзимники қилиб олганман, деб ўйлардим. Энди эса эримнинг кўнгли, хаёли ўша биринчи хотинида эканини билгандан кейин қандай яшайман? Ҳаммасига кўз юмиб кетворай десам, ўғлимнинг тақдири нима бўлади. Мен ҳам бошқа оналар каби ани уйлантириб, меҳрибон қайнона, севимли буви бўлмоқчи эдим. Нима қилишни билмаяпман, бошим қотиб қолган.

Шу гапларни айтиб бўлиб, Муқаддас опа жим қолди. Бир оз сукутдан кейин мен секингина: "Эрингиз нима деяпти?" дедим. Шунда Муқаддас опа: "Нима деди, «Нега ундай қилдингиз? Наҳотки, олдингизда қадрим ҳам ҳурматим ҳам йўқ бўлса?" десам, - "Дилинг оғришини ўйламабман, хато қилганимни тушундим, кечир", - деди-да, ҳеч нарса бўлмагандек юрибди. Ҳозир ҳам хуррак отиб ухлаб ётибди", - деб жавоб берди.

- Инсон хато қилиши мумкин-ку, беайб парвардигор дейишган, балки эрингизни тушунишга ҳаракат қиларсиз, - дедим.

- Тушунишга ҳаракат қилаяпман, лекин ҳар сафар уйга кирганда ўша расмларнинг ётоқхонамда турганини билиб, қийналиб кетаяпман. - Эрим кўнглим учун бўлса-да, расмларни кўздан йироқроқ жойга қўймади. Мен эса ўша расмларни эрим олиб келган жойига ташлаб келишини жуда-жуда истагандим. Бундан ташқари эрим бир неча давраларда бу менинг тарихимни йўқотиб юборган, деб айтганди. Ўшанда мен эрим қишлоқдаги сандиқда турган талабалик ва ҳарбий хизмат пайтида тушган расмларини айтаяпти деб қулиб қўйгандим. У бўлса тарихидан, мархум хотини билан боғлиқ хотираларидан воз кеча олмаган экан. Буни тушунган сари нима қилишни билмаяпман. Эрим билан яшагим келмай қолди.

Муқаддас опа яна жим бўлди. У менинг борлигимни ҳам унутиб, ўзи тортаётган дард гирдобига ғарқ бўлди.

Мен ҳам иложсиз қолиб, Муқаддас опага нима деб таскин беришни, кўнглини кўтаришни ҳам билмасдим. Фақат бир нарсани жуда-жуда истардим, қани эди бир дақиқага бўлсада опанинг эрига айлансаму, меҳрини, ҳаётини ўғлига, эрига бағишлаган шу аёлнинг ширин эртакларини ҳақиқатга айлантирсам, расмларни қишлоққа олиб бориб ташлаб келиб, дил оғриғидан халос этсам, уни маҳкам бағримга босиб, севишимни, ҳурматлашимни, қадрлашимни айта олсам. Ана шу исми жисмига мос Муқаддас аёлга таъзим қилиб, унинг буюклигини айта олсам. Ахир қанчадан қанча оналар ўз болаларини ташлаб кетаяпти, қанчадан қанча ўгай оналар "ё мени дейсан, ё болангни" деб эрларини хору-зор қилиб келаётир. Ана шундай ниятлардан холи, эрини, ўғлини ўзиники ҳисоблаб, ана шу ёлғон туйғуни бахт деб билган аёлга наҳотки севгидан, меҳрдан, муҳаббатдан ҳайкал қўйиш мумкин эмас. Муқаддас опа ҳар доим абитуриентлик даврида танишиб, эри билан 10 йил яхши кўришганини ҳозир ҳам эри уни жонидан ортиқ кўришини, ҳомиладорлиги оғир кечиб, токсикоз даврида қийналганини, эри кўнгли тусаган нарсасини муҳайё қилганини, туғишда қийналгани учун у бошқа туғишга рухсат бермаганини бот-бот таъкидларди. Ҳамма аёл ҳам тўлғоқ нима эканлигини бошидан кечирмай туриб, туғиш ҳақида бундай ишонарли эртак тўқий олмайди. Наҳотки оиласи, бахти учун ана шундай эртаклар тўқиб, нафақат ўзгаларни балки ўзини ҳам ишонтира олган аёл ҳақиқий бахт соҳибаси бўлишга ҳақли бўлмаса?

Тўғри, аждодларимиз "кўз очиб кўрганинг, биринчи бахтинг" деганлар. Лекин ўша биринчи бахт бугун ҳаётдан кўз юмган бўлса, наҳотки ёнидаги тирик инсоннинг бахтини қадрлаш, ардоқлаш мумкин эмас.

Минг афсуски, қанчалар хоҳламайин мен Муқаддас опанинг эрига айлана олмайман. Фақат бир нарсани, опанинг сохта бахт соҳибасидан, сабр бекасига айланишини, ана шу бекалик орқали ўзи орзу қилгандек меҳрибон қайнона, севимли буви бўлиши мумкинлигини айта оламан...

Муаззам МЕЛИЕВА

ДАФТАР ХОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Баъзилар "ҳалол ва ҳаром" деганда "еб-ичиш мумкин бўлган ва ейиш-ичиш мумкин бўлмаган" нарсани англайдилар... Юзаки тушунча! Аслида бу — "қилиш мумкин бўлган ва қилиш мумкин бўлмаган" амаллар дегани ҳамдир...

Биласиз нон энг табаррук неъмат. Бироқ нопок йўл билан топилган нон ҳам ҳаром! "Нонингни ҳалоллаб, е", деган гап бежиз айтилмаган.

СЕВГИ

Аввалига бир-бирларини танимас эдилар. Уларни Севги деган ғаройиб куч топиштирди.

Улар ана шу куч сеҳрига маftун бўлиб қолдилар.

Ажаб, Севги ҳеч қачон ёлғиз юрмас экан. Энди у Синов деган тўсиқни етаклаб келди. Агар улар Севгининг қўлидан маҳкам тутишганида бу тўсиқдан ўтишлари мушкул эмасди. Аммо ундай бўлмади. Улар Синов олдида чекиндилар.

Ўртада Шубҳа, Рашк деган шарпалар ўрмалаб қолди. Шунда улар ўзларини топиштирган Севгига илк бор таъна тоши отдилар.

АҚЛ ВА ЮРАК

Юрак — ақлга, ақл — юракка қулоқ солса, олам —гулистон бўлур эди!

КАПАЛАК ВА ТОШБАҚА

Тошбақа гулдан-гулга қўниб юрган капаликни кўриб гаши келди. "Бир кунлик умрига учиб-қўнишини қара!"

Капалак тошбақани кўриб кулди.

"Юз йиллик умрига судралиб юришини қара!"

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ўзим учун яшагим келди...

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Қувонч ҳам, кўз ёш ҳам... Баъзан оқ, баъзан қора, деганларидек, менинг ҳам оилавий ҳаётим "ўхшамади". Ким айбдорлигини таҳлил қилиб ўтириш эса бемаъниликдек. Пешона, дейман ўзимга ўзим. Шукр қил, болаларинг бор, дейман яна.

Ҳа, минг шукр... Оғир кунимда ҳамдардим шу болаларим бўлди. Отасининг вафотидан кейин ҳувиллаб қолган уйимизни шуларнинг овози, дукур-дукур югуришлари тўлдирди. Бир пайтлар жанжал, ур-сур аримайдиган сершовқин хонадонимда энди фақат болаларнинг жонбахш тўпо-лонинигина эшитса бўларди. Бева бўлиб қолгач, куйишни ҳам, ҳамма азоб-уқубатлардан қутулганимдан енгил тортишни ҳам билмасдим. Нималар содир бўлганини англаб-англамай таъзияга келиб-кетувчиларнинг орасида ўралашиб юрган болаларга қараб, ўзимни айбдор ҳис қилганман ўшанда. Ўшандагина уларнинг ҳали гўдак эканлигини тушуниб етганман. Унга қадар эса... Ҳатто шулардан ҳам нафратланар, "Сенгиналар туғилмаганингда яхши эди!"-дея қарғардим. Мана энди...

Ўшанда кенжатойимнинг чопонда, белига қийиқча боғланган, сочи устарада олиниб, бошига дўппи кийгазиб қўйилгандаги кўринишини эсласам, ҳали ҳамон юрагим зирқирайди. Болам бояқиш болага эмас, митти одамчага ўхшарди. "Бўлди! Энди болаларим боладек яшасин! Туғилганларидан бери эрим икковимизнинг ўртамизда силталаниб келишгани етар! Энди уларнинг болалигини қайтаришим керак. Яшасам, фақат шунинг учун яшайман!"- деб онт ичгандим ўшанда.

Уларни ҳеч кимдан кам қилмаслик учун елиб-югурдим. Қўлларини совуқ сувга урдирмадим. Оғзиларидан чиққанини муҳайё қилишга уриндим. Қизим аллақачон ойнага тез-тез қарайдиган, ўғлимнинг овози дўриллаб қолган, кенжатойим эса мана тўрт йилдирки, мендан алоҳида ухлайдиган бўлган бўлса-да, уй юмушларининг ҳаммасини ўзим бажарардим. Болаларимнинг мактабида бирор муаммо чиқиб қолса, ўқитувчиси билан гаплашиб келишга вақт топар, ёзги таътилда эса ҳар сафар талашиб-тортишиб ишхонамизнинг касаба уюшмасидан болаларим учун энг яхши оромгоҳларга йўлланмалар ундиришнинг ҳам уддасидан чиқардим.

Ишхонадан уйга кунига 10-12 бор қўнғироқ қилиб, болаларимдан хабардор бўлиб турар, бирортаси оғриб қолса, ҳамма ишимни йиғиштириб, бошидан нари кетмасдим. Тўғри, ҳар бир она ҳам шундай қилади. Аммо ҳамма ҳам менга ўхшаб ўзига бир дунё касаллик орттириб олса ҳам, сир бой бермай дардини ичига ютиб юрмас? Ишхонадагиларнинг ўзимга қарамай юришим, ишдан тез-тез қолишиму, маош тарқатилаётганида ҳаммадан олдин пайдо бўлишим, давлат берган барча имкониятларга жон-жаҳдим билан ёпишиб олишим, ўрни келса-келмаса бевалигимни рўкач қилаверишларимни гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор гапиришларига ҳам бепарво эдим. Мен учун бу нарсаларнинг бари арзимас, энг муҳими болаларим эди!

Шундай кунларнинг бирида қизимнинг телефонда ким биландир узоқ вақт пичирлашиб, илмоқли-илмоқли гаплашаётганини сезиб қолдим. Сўраб-суриштиришга иймандим. Тўнғич ўғлим эса кун оғди дегунча кўчага чиқиб кетадиган одат чиқарди. Бир неча бор у ярим тунда оёқ учида ётоқхонаси томон ўтиб кетаётган пайт димоғимга тамаки ҳиди урилган бўлса-да, ўрнимдан туриб, қаердан нима ишлар қилиб келаётганини сўраб-суриштиришга қўрқдим. Ахир бўйи бўйимдан баланд, бунинг устига охирги пайтларда нимагадир жуда жиззаки бўлиб кетган, ҳатто опаси ва укаси билан ҳам чиқишмай қолгандида. Кенжам ҳам шундай. Илгаригидек ишдан келганимда бўйнимга осилиб, юзларимдан ўпиб қўймайди. Фақат пул сўрашини демаса, деярли гаплашадиган гапи йўқдек. Шуларни ўйлаб, ўйимга етмай, чарчаб ухлаб қоламан. Азонлаб туриб уч боламга уч хил нонушта тайёрлайман, уларнинг кўчалик кийимларини дазмоллаб, уйларни саранжом-сариштталаб, ҳаммасини бир-бир уйғотиб, ўзим ишга югураман. Кечқурун яна ювуқсиз қолган идишларни ювиман, овқатга уннайман. Бу орада тўзғиб кетган уйни бир сидра тозалаб, тоғорада уйилган кирларни ювиман. Хуллас...

Охири бўлмади. Бир тун жуда мазам қочди. Неча йилки нафасим сиқилиб, юрагим санчарди. Аммо бу гал оғриқдан ерпарчин бўлиб қолдим. Тахминан ярим соатлар бўзлаб қизимни чақирдим. Аммо қизи тушмагур уйғонай демасди. Оғриқдан ихраб-ихраб, эмаклай-эмаклай телефонгача етдим. "Тез ёрдам"ни чақирдимми-йўқми, у ёғини эслолмайман. Касалхонада кўзимни очдим. Билагимга нина санчилган, бошим устида "осма укол" Яна ўзимдан кетдим. Тушимда болаларим из-из йиғлашар, уйғонгач, ўзим йиғлашга тушардим. Орадан 3-4 кун ўтгач, ишхонамдагилар йўқлаб келишди.

- Уйдагилар қўнғироқ қилишганмиди? - деб сўрадим.

- Йўқ, - дейишди улар. - Касалхонадан бошлиғимизга телефон қилишибди. Шунақа аёл сизларда ишларкан. Аҳволи яхши эмас. Қариндошларидан ҳеч ким йўқлаб келмади, дейишибди. Дарҳол ёнингизга югурдик, Зубайдахон. Бизни кечиринг, яна бирор юмуши чиққан бўлса, ишдан қолгандир-да, деб ўйлабмиз.

- Уйдан... уйдан хабарлашмадиларингизми? Болалар... болаларимнинг аҳволи нима кечдийкин? - мижжаларимга ёш қуйилиб келди. - Шўрликкиналарим шунча кундан буён нима еб, нима ичишаяптийкин?

Ҳамкасаба аёллар бир-бирига хижолатли қараб қолишди.

- Бу хабарни эшитишимиз билан қўнғироқ қилгандик. Болаларингиз сизни "ишга кетган", деганди, ҳайрон бўлдик. Биз ишхонадан қўнғироқ қилаётганимизни айтганимиздан сўнг, касалхонадалигингизни билдиришди. Қайтишда албатта уйингизга кириб, болалардан хабарлашамиз, - дейишди улар.

- Демак, "Тез ёрдам"ни чақирган болаларим экан-да! Барака топишсин! Бошлари омон бўлсин, - дея ўйладим юрагим ҳаприқиб. Уларни жуда-жуда соғинганимни ҳис қилдим. Яна йиғладим. Доктор келиб, тинчлантирувчи укол қилиб кетгач, ухлаб қолибман.

Эртасига қўшниларим келишди. Улардан ҳам биринчи сўроғим болаларим ҳақида бўлди.

- Ие, - ҳайрон бўлди қўшнимиз Тошмат ака. - Ҳали келишмадими? Ойингдан хабарлашдиларингми, десам, "ҳа", деб айтишганди-ку!

- Оҳ, Тошмат ака-я... Қанақа одамсиз ўзи? Ахир улар мурғак-ку ҳали, қандоғам келишсин? - ловуллаб кетдим мен.

- Қўйсангчи-е, гўдаклиги қолдими уларингнинг? Юришибди, ялло қилиб. Тунов куни ўғлингнинг кўчада бекорчи болалар билан ўтирганини кўриб: "Уйнинг эркагига ўхшаб, бундоқ опанг билан укангга кўз-қулоқ бўлиб турсанг бўлмайдими, уззу-кун ўтган-кетганга қараб ўтиргунча?" - десам: "Ишиз бўлмасин, бобой!" - дейди-я! Ҳа, бундай болалардан қандай ҳол-аҳвол сўраб бўлади? Уларни бола дейсан. Э, кап-катта уларинг! На қизинг, на ўғлинг салом беришни билади. Димоғи осмонда. Кеча манов кеннойинг бир коса мошкичири олиб чиқса: "Емаймиз, қорнимиз тўқ. Ҳозиргина "Ролтон" еб олганмиз", дейишибди. Ҳа, ҳозир емаса, кейин ер, овқатни олиб, музлатгичга солиб қўйишса бўларди-ку!

Хотини Ойниса опа биқинига туртмаганда тажанг қўшним яна нималар демасди.

- Зубайдахон, сиз хавотирланманг, соғлигингизни ўйланг, - деди Ойниса опа. - Эртага Дилбархон ҳам хўжайини билан сизни кўргани келишмоқчи. Биласиз, уларнинг машинаси бор. Ўзим тайинлайман, болаларингизни олиб келишади. Фақат сиз ҳеч нарсадан сиқилманг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Зориқиб эртанги кунни кута бошладим. Ниҳоят, қўшниларим билан қизим ва кенжатойим ҳам келишди. Жойимдан ирғиб туриб кетай дебман. Шунақа хурсанд бўлдимки, асти сўраманг! Болаларим ойдеккина, кундеккина юришганини кўрибоқ, ҳамма дардларимни унутдим. Дилбархон бирпас ҳол-аҳвол сўраб ўтиргач, олиб келган нарсаларини тумбочкамга жойлаб, болаларим билан ёлғиз қолдирди.

- Тойчоғим, кел бир бағримга босай! - дедим энтикиб кенжамга.

- Ҳозиргина қучоқловдиз-ку, - тўнғиллади эркатойим.

- Асал қизим, сен яхши юрибсанми? Қийналиб қолмадиларингми? - сўрадим қизимдан.

- Ойи, нимага Дилбар опаларга бирга олиб келинглар дедиз? Бу кунимдан ўлганим яхши эди! - силтаб ташлади қизим.

- Тинчликми? Нега ундай деяпсан?

- Нима, билмайсизми? Мен Дилбар опанинг қизи билан уришиб қолганман-ку! Ана энди яна мазах бўламан. Ойингни кўргани дадамнинг машинасида бориб келдиларинг деб кўзимни очирмас!

- Қўйсанг-чи! Шуниям гап дей...

- Э, боринг-е! - қизим қўлини силтаб, шартта жойидан турди. - Юр, Жасур, кетдик! Яна эртага ановлар бутун маҳаллага гап қилиб юришмасин балнисада ўн соат кутиб ўтирдик, деб.

Уларнинг кетаётганини кўриб, шоша-пиша ўғлимнинг қўлидан ушлаб қолдим:

- Шошмай тур, Жасуржон! Ма, манов тумбочкадаги олма, апелсинлардан олиб кетгин. Ейсанлар, - дедим.

Жасур опасига қаради. Опасининг кўзлари олайиб кетди:

- Ўзиз енг, ўшаларнинг садақасини! Биз емайсиз! - дедию, тап-туп қадамлар билан укасини тортқилаб, чиқиб кетди. Нима қиларимни билмай, ҳайрону лол қолгандим.

Тавба! Буларга нима бўлган ўзи? Ақалли хайрлашишмадиям-а? Мен ўлай деб ётибману, бу қизи тушмагур қаёқдаги араз ларини деб жигибийрон бўлади. Ҳеч бўлмаса овқатни қандай пиширяпсизлар, деб сўрашга ҳам улгурмадим-а? Э, Худо! Улар бекорга бунча жиззаки, тўнг бўлиб қолишмаган. Қийналишган шўрлик болажонларим, қийналишган! Тўғри, уйда озиқ-овқат етарли эди. Жавондаги қутичада анча-мунча пул ҳам бор эди. Шуни ишлатиб туришгандир. Аммо... аммо барибир улар сиқилган. Мен йўқлигим учун қўни-қўшнининг олдида сарғайишганига ор қилишган. Оҳ, менинг оркаш болажонларим-а! Сизларни шу қўйга солмай мен ўлай. Тезроқ тузалишим керак. Эртага биров бир нарса деса, шугиналаримнинг кўзига ёш келмаслиги учун ҳам тезроқ бориб, уларга қалқон бўлишим керак. Тезроқ...

Жойимдан илкис қўзғалгандим, юрагим қаттиқ санчиб, кўз олдим қоронғулашиб кетди.

Орадан анча вақт ўтгачгина ўзимга келдим. Қарасам, бошимда палатадош аёл ўтирибди:

- Вой, эгачижоним-ей! Мунча ўзингизга жабр қилмасангиз, - деди у илиққина чойдан хўплатаркан. - Нима азобда ётибсизу, тинмай болаларингизни алаҳлаб чақирасиз-а! Мундоқ ўзингизни ўйласангиз-чи? Кетишим керак, деб ҳиқиллаганингиз-ҳиқиллаган. Уйда сизга бу аҳволингизда ким қарайди? Тувагингизни ким тўкади, кечаси ким бохабар бўлади? Юрак билан ҳазиллашиб бўладими? Бу юрак сизга омонат берилган. Уни болаларингиз эмас, фақат ўзингиз асрашингиз мумкин. Ўзингиз учун яшашингиз керак, эгачижон, ўзингиз учун!

- Ўзим учун яшаб нима қиламан? Ахир болаларим...

- Астағфурилло... Ундай деманг, эгачижон! Ўзи учун яшашни билган одамгина ўзгалар учун ҳам яшай олади. Шуни унутманг...

Палатадош аёл инқиллай-синқиллай бориб, жойига ётди. Унинг гаплари дилимни оғритди. Ахир қандай қилиб ўзим учун яшашим мумкин? Ўзи учун яшаш нима ўзи? Ўзини асраш, авайлаш, ҳадеб куйиб-пишавермаслик деганими? Турли-туман либосларга бурканиб, ялтир-юлтир тақинчоқларга безаниб юриш деганими? Ёки ишхонадагими, маҳалладагими тенг-тўш хотинлар билан "гап" ўйнаб, чақчақлашишми, ўзига оро беришми, юзига битта ажин тушмасин, деб ҳаётнинг қайғу-аламларидан сиқилмасликми?.. Нима ўзи у "ўзи учун яшаш" дегани? Мен фақат ўзим учун яшасам, эртага болаларимни қандай уйлантириб, қизимни қандай узатаман? Уларнинг болаларини мен боқмасам, қийналиб қолишади-ку? Ўзим учун яшаш - болаларимнинг қийналмаслиги учун керак бўлса ўлиш, керак бўлса тирилиш эканлигини бу аёл нега тушунмайди? Сиз-чи? Сиз бунга нима дейсиз?



Зубайданинг ҳасратини Дилфуза ҚЎЗИЕВА ёзиб олди.

Ота-оналар мактаби

СИЗ ОНА БЎЛМОҚЧИСИЗ...

Аёл борки она бўлгиси, жажжи фарзандини бағрига босиб оналикнинг ширин бахту-саодатини ҳис эттиси келади. Аммо бундай масъулиятни зиммасига олган аёл ўз танасида бўладиган ўзгариш ва синовларга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлиши керак. Чунки, табиатан нозик яралган аёлга бағридаги ўзидан-да нафисроқ, ожизроқ, дунёга келишга интилаётган жонзодни асраш масъулияти юклатилган. Соғлом бола туғиш унинг ўзи ҳам соғлиғига ҳар доимгидан кўра кўпроқ эътибор бериши шарт.

Чунки, ҳомиладорликнинг ўзига хос мураккаб жараёнлари бўлиб, уни енгиб ўтиш учун аёлдан катта куч ва ирода талаб қилинади. Бу даврда унинг танасида катта ўзгаришлар бошланади. Боши айланиб ҳолсизланади. Сигарет, атир, ёғ ва турли ҳидларни ёқтирмай қўяди. Иштаҳаси йўқолиб шўр ва аччиқ нарсалар егиси келади.

Буларнинг ҳаммаси қондаги гормонлар таркиби ўзгаришининг белгиларидир. Ўсаётган ҳомила аёлнинг ички аъзоларини босиши оқибатида шундай ўзгаришлар юз беради.

Биринчи уч ойлик...

Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойи энг асосий вақт ҳисобланади. Ўзининг она бўлишини ҳис этган аёл турли ҳаяжонли ҳиссиётлар, бироз ваҳималар аро яшайди. Баъзан уйқусиз тунлар, бирданига асабийлашишлардан қийналади. Аёл танасида бўладиган бундай ўзгаришлар унчалик хавфли эмас. Лекин ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида аёл жуда таъсирчан бўлади. Мабодо, бу пайтда кўнгил айниб, қусиши кучайиб кетса дарҳол касалхонага ётиши зарур. Бир кунда 9-10 марта қусиш ҳолатлари ҳомиладорликнинг енгил белгиси ҳисобланади. У вақти билан ўтиб кетиши ҳам мумкин.

Кўпинча бундай ҳолатлар ҳомиладорликнинг тўртинчи ойидан сўнг юз беради. Айнан ана шу пайтларда бўлажак оналар ейдиган овқатларига эътибор беришлари зарур. Ҳар икки-уч соатда бироз ёнбошлаб ётган кўйи оз-оздан овқат еб туриш керак. Иложи бўлса, таомларни совутилган ҳолда истеъмол қилиб, ёғли овқатлар ва қахвадан воз кечган маъқул. Бу даврда ҳомиладор аёлларга енгил, қувватли ва тез ҳазм бўладиган таомлар ейиш, шунингдек, кўпроқ суюқлик, айниқса, маъданли сувлардан ичиш тавсия этилади. Чунки, анчагина суюқлик қусиш билан чиқиб кетиб, танада сувга муҳтожлик сезилади. Дорихоналарда сотиладиган "Тавегил" ва "Церукал" дориларидан кўп миқдорда эмас, кунига бир-иккитадан ичса бўлади. Акс ҳолда, улар қон босимини пасайтириб юборади.

Ҳомиладорлик даврида кўпчилик аёлларнинг жиғилдони қайнайди, аммо бу хавфли эмас. Уларга ичиш, чекиш таъқиқланади. Иложи борича, аччиқ ва жуда ширин нарсалардан воз кечилади. Ҳар куни ярим литрдан сут ичиш фойдали бўлиб, ётишдан олдин овқатланмаслик керак.

Кечки бошқоронғилик (токсикоз)

Шуни айтиш жоизки, агар ҳомиладор аёлнинг онаси ёки бувисида бошқоронғилик, яъни, токсикоз кечроқ бошланган бўлса, демак, унда ҳам шундай ҳолат кузатилиши эҳтимоли бор. Шунингдек, аёл ҳомиладорликкача бошдан кечирган касалликлари ва уларнинг асорати ҳақида даволовчи шифокорни албатта хабардор қилиши керак.

Бўлажак она шифокор тузиб берган қатъий режа бўйича назорат остида бўлиши шарт. Гинеколог ҳузурига бормаслик, ҳомиласининг қандай ўсаётганини билмаслик ва зарур бўлса-да, маслаҳатлар олмай юриш, уларни туғиш пайтида жуда қийин ва оғир аҳволга тушиб қолишларига сабаб бўлади.

Аёллар ишда ҳам, оилада ҳам асабийлашмасликлари керак. Тан олиш керакки, ҳомиладор аёлларни баъзан яқинлари, ҳаттоки турмуш ўртоқлари ҳам тушунмай қолган пайтлар бўлади. Шу боис, руҳшуносларнинг маслаҳатлари мана шундай қийин ва мураккаб вазиятларда жуда қўл келади. Ҳомиладор аёллар учун вақтида дам олиш, аммо ухлаётганда чап томонлари билан ётиш тавсия этилади. Бу ҳолат асабийлашишнинг олдини олиб, ички аъзоларнинг яхши ишлашини ҳам таъминлайди.

Ҳомиладор аёлларнинг овқатланиши уларнинг саломатликлари учун жуда муҳимдир. Меъёридаги овқатланиш кеч бошланадиган бошқоронғиликнинг олдини олади. Шу боис овқатлар таркибида оқсиллар, ёғ ва дармондорилар кўпроқ бўлиши зарур.

Шифокорнинг маслаҳати ва ёрдамида кечки бошқоронғилик даврида бўладиган хавфнинг олди олинади.

Оёқлар шишиб кетмаслиги учун сувни кўп ичмаслик керак. Шўрва, меваларда-ги суюқликларни ҳам ҳисобга олган ҳолда кунига 1,5 литр сув ичиш кифоя. Буйракни даволашда ишлатиладиган табиий ўтлар дамламасидан ичиш сийдик ажралишини тезлаштиради. Бу ўтлар дамламасидан кунига уч маҳал 1,5 стакандан ичилади. Шунга қарамасдан оёқ ва қўллардаги шиш кетмаса, зудлик билан шифокорга учрашиш зарур.

Кечки бошқоронғиликнинг белгилари сезилганда касалхонага ётиб даволаниш зарар қилмайди. Ўз вақтида қилинган муолажалар эса кечки бошқоронғиликдан кейин қоладиган ва ҳомилага таъсир қиладиган турли асоратларнинг олдини олади.

Эрта бошланган бошқоронғилик унча хавфли бўлмаса-да, лекин кечкиси ҳомиланинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Она вужудидаги турли ўзгаришлар ҳомилани ўраб олган йўлдошдаги (плацента) қон айланишига салбий таъсир қилади. Чунки, у ўсиб ривожланиши давомида ана шу йўлдош орқали озиқланиб, ҳаво олади. Унинг фаолияти бузилиши натижасида ҳомилага ҳаво етишмай қолади ва унинг ички аъзоларига зарар қилади. Бу эса бола туғилганидан кейин бўйининг ўсмай қолишига сабаб бўлади.

Ҳомиладор аёлларнинг доимий равишда, яъни бола туғилгунча шифокорнинг назоратида бўлиши фарзандларининг соғлом туғилишини таъминлайди.

Бошқоронғилик кеч бошланганда туғруқхонага ётмасдан ўз билигича даволаниш ярамайди. Чунки, даволаниш жараёни анча мураккаб ва доимий текшириб туришни талаб қилади. Яъни, доимий равишда онанинг оғирлиги, қон босими ўлчанади. Ҳар куни истеъмол қилинган ва чиқарилган суюқликлар аниқланади. Сийдикнинг таркиби мунтазам текширилади, чунки унинг таркибида оқчимол моддалар бўлмаслиги керак. Қон айланиши, киндиги ва уни ўраб олган йўлдошининг ҳолатини аниқлаш учун ҳомила УЗИ аппарати орқали текширилади. Кардиотахография усули орқали эса ҳомиланинг юрак уриши, унинг ҳаракатланиш фаолияти текширилади. Бундай текшириш орқали туғилажак чақалоқ аҳволининг қай ҳолатда бўлиши аниқланади.

Бола соғлом туғилиши учун...

Бўлажак оналар ўз фарзандларига туғилмасдан туриб ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳомиладорлик меъёрида кечсагина бола осон ва асоратларсиз, соғлом туғилади. Бунинг учун бўлажак оналар ҳомиладорликнинг ҳар уч босқичидан муваффақиятли ўтишлари керак бўлади.

Кўпинча, аёлни ҳомиладорликнинг биринчи ойидан бошлаб уй-рўзғордаги майда-чуйда юмушлардан ҳам озод қилиб қўйишади. Ваҳоланки, унинг кам ҳаракатланиши фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Чунки, ҳаракат ҳомиланинг ҳаёти демакдир. Ҳомиладорликнинг биринчи ойидан бошлаб енгил жисмоний машқларни бажариб туриш кони фойда. Тўғри, биринчи уч ойликнинг охирига бориб аёлда бироз толиқиш, умуртқа поғонасида зўриқиш, оёқларида эса оғирлик сезилиб, бу уларни асабийлаштиради. Бу вақтга келиб жисмоний машқлар бажариш шарт эмас. Лекин ҳар куни кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиш, сувда сузиш, толиқтирмайдиган, оддийгина машқларни бажариш билан аёл ўзини аста-секин туғишга тайёрлаб бориши зарур. Шундагина она соғлиғини йўқотмайди, фарзанди ҳам соғлом туғилади.

ДАРС ҚИЛАДИГАН ПАЙТ БЎЛДИ...

Болалигида ота-оналаридан ушбу сўзни эшитган ҳар бир мухлисимиз дарҳол дарс тайёрлаш учун қўлига китоб олганлари аниқ. Лекин очиғини айтганда бу ибора ҳаммага ҳам хуш келавермаслиги рост. Афсуски кўпчилик болалар учун уй вазифаси мультфильм ва мароқли ўйинлардан маҳрум қиладиган қийин ва зерикарли машғулот бўлиб туюлади.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ИККИ ХАТОСИ

Мана, яқинда таътиллар тугаб, яна дарс бошланди. Болалар яна дарслар тайёрлаши, китоблар ўқиши, мисол ва масалалар ечиши керак бўлади.

Хўш, буни фарзандингиз қандай бажараяпти? Бу борада ота-оналарнинг вазифаси нималардан иборат?

Очиғини айтиш керак, баъзи ота-оналар ўз вазифаларини болалари мактабдан келиши билан апил-тапил овқатлантириб, дарс столига ўтқазишдан иборат, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки бундай қилиш умуман мумкин эмас.

Аслида мактабда бўлишнинг ўзи биринчи синф ўқувчисини қаттиқ толиқтириб қўяди. У мактабдан келганидан сўнг аввало дам олиши, озгина ўйнаши, бир сўз билан айтганда ўзига келиб олиши керак. Акс ҳолда дарҳол яна дарс столига келиб ўтириш уни ўқишдан бездириб қўяди. Инжиқлик қилади, йиғлайди. Яхшиси фарзандингиз мактабдан келиб, овқатланиб олганидан кейин уни 2-3 соат ўз ҳолига қўйинг. Майли, сайр қилсин, ўйнасин, ўзи ёқтирган китобини ўқисин. Шундан кейин яхши гапириб, дарс қилиши зарурлигини эслатинг.

Болангизга агар дарсларини яхши тайёрламаса келгусида ўқишга кира олмаслиғини, оқибатда яхши иш топа олмасдан сарсон бўлиши мумкинлигини айтиб ваҳимага солманг. Чунки, 6-7 ёшдаги болакай келгусида бўладиган ишлар ҳақида ўйлашга жуда ёшлик қилади. Унга астагина, майин овозда "Агар сен дарсларингни яхши билиб олсанг, дадажонинг билан ойижонинг сендан жуда хурсанд бўлишади. Сен албатта шундай қила оласан. Дарсларингни яхшилаб ўрганиб олмасанг, бу бизни хафа қилиши мумкин", - дея тушунтирганингиз маъқул. Лекин ҳеч қачон болангизга у дарсларни яхши ўзлаштира олмаслигидан жаҳлингиз чиқиши мумкинлигини пеш қилманг.

БЕШ ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

- Биринчи синф ўқувчиси ёзув столида 20-30 дақиқадан ортиқ ўтириши мумкин эмас. У ҳар сафар 15-20 дақиқа дам олиши шарт.
- Дарсларни аввало ёзувдан бошланг. Ўқиш ва ёдлаш каби вазифаларни кейинроқ бажарса ҳам бўлади.
- Фарзандингиз дарс тайёрлаётганда унинг ёнига ўйинчоқ айиғини ёки қуёнчасини ўтқазиб қўйинг-да: "Кўрдингми, улар сенинг ёнингда бирга ўтиришиб билмаганларингни ўргатишади, ўзлари ҳам ўрганишади ", - деб ёрдамлашинг.
- Вақти-вақти билан ким чиройли, тез ва хатосиз ёзади деб матнни бирга кўчириб, мусобақалар ўтказиб туринг. Уни толиқтириб қўймаслик учун баъзан унга ютқазишни ҳам унутманг.
- Болангизнинг нимага қизиқишини иложи борича тезроқ аниқлаб олишга ҳаракат қилинг. Яъни у ижтимоий фанларга қизиқадими ёки техник фанларга қизиқадими, 2-3 ойда маълум бўлади. Қайси фан унга кўпроқ ёқса, шу йўналишда қизиқарли машғулотлар ўтказинг.

Бу билан фарзандингизга ҳеч бўлмаса битта фандан ҳаммадан олдинда бўлишига ёрдам берган бўласиз.

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

ВАҚТНИ ТЎХТАТИШ ҚЎЛИНГИЗДА...

Агар аёл ўзига қараб, ораста ва дид билан кийиниб юрса унинг неча ёшда эканлигини фақат ҳужжатига қарабгина аниқлаш мумкин экан.

Бироқ, 40 ёш остонасидаги аёл қанчалик мафтункор кўринмасин йиллар давомида толиққан танадаги соғлиқ панд бера бошлайди. Йиллар ўтиши билан металл ҳам емирилгандек, инсон саломатлигига путур етади. Аслида 40 ёшдан кейин инсон олдида иккита муаммо, яъни, ё умрни узайтириш, ёки ёшликни чўзиш масаласи туради. Демак, нимагадир кўникишимиз, муаммолар билан курашишимизга тўғри келади.

ИЧКИ АЪЗОЛАР ЧОШГОҲИ...

Қирққа яқинлашгач танада климаксга сабаб бўладиган гормонлар ишга туша бошлайди. Бу ҳақда эслашнинг ўзи аёлларда кучли ҳаяжонга сабаб бўлади. Ахир энди ҳаётга қадам қўйган бўлсангизу, бу ёқда эса... Климакс... Бундан тушкунликка тушиш керак эмас. Бу табиат қонуни. Қадимги грек олимлари инсоннинг ички аъзоларини зиналарга ўхшатишгани ҳам бежиз эмас. Улар бу ўхшашликда эндокрин тизимидан бошлаб инсон танасига ёйила бошлаган ўзгаришларни кўра олишган. Яъни, кўпроқ биринчи зинада турганимиз келади, лекин янада юқорироқда нима борлигини билиш истаги кучлилик қилади. Яна ва яна юқорига кўтарилаверамиз.

Агар ҳамиша жозибали кўринишни истасангиз, эътиборингизга вақтни тўхатишнинг еттита оддий қоидаларини ҳавола қиламиз.

1. КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ БЎЛСИН!

Асабийлашиш, тушкунлик, тез-тез ва ҳаддан ташқари зўриқишлар тухумдонлар фаолиятининг табиат белгилаганидан ҳам олдинроқ тўхташига сабаб бўлади. Ваҳоланки, у асаб ва эндокрин тизимининг умумий маркази билан боғлиқдир. Буни ҳар бир аёлнинг ўзи билиши ҳам мумкин. Чунки ўта зўриққан ҳолатларда ҳайз кўриш одатдагидан аввалроқ, оғриқли ва кўп қон келиши билан бошланиши ёки кечикиши мумкин. Баъзан эса уч ойлаб ҳам ҳайз келмаслиги кузатилади. Бундай тўхталиш ҳолатлари менопаузанинг вақтли, яъни 35-40 ёшда бошланишига олиб келади. Ҳайз кўриш тўхтагандан бошлаб тухумдонлар терига ажин тушишининг олдини оладиган, қон босимини меъёрида сақлайдиган, юракни ҳуруждан, суякларни синишдан сақлайдиган гормонлар ишлаб чиқаришни тўхтатади.

Хотиржамлик барвақт бошланадиган климакснинг олдини оладиган энг яхши муолажадир. Ҳар бир ҳаяжонли зўриқишдан кейин гормон ўзгариши янада тезлашади. Шу боис нима бўлган тақдирда ҳам ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг. Муҳими руҳан тушкунликка тушмаслик, яшаётган оламингиздан норози бўлмаслигингиз керак. Ўрта ёш муаммоларини ҳам хотиржамлик билан қаршиланг. Ўз ҳаётидан қониқмаслик, ўзига паст баҳо бериш ҳам танадаги аъзолар фаолиятини бузиб, ҳайзнинг барвақт тўхташига сабаб бўлади.

2. ЖАДВАЛ БЎЙИЧА!

Ҳайз кўриш жараёни - маълум кунларга мослашган. Агар кечки овқатни ярим тунда еб, дам олмасдан мўлжалдагидан ҳам кўпроқ ишласангиз, тухумдонларнинг ҳам фаолияти бузилади.

Эндокрин безларининг узлуксиз бузилиши натижасида улар томонидан гормон ишлаб чиқариш тўхтаб, умрнинг чошгоҳдан кейинги оқшоми бошланади.

3. ТЎЙИБ УХЛАНГ!

Кунига 8-9 соат ухлаш керак. Уйқу пайтида тананинг ўзи ички аъзолар фаолиятига ташхис қўйиб чиқади. Сиз қанча кам ухласангиз аёллик гормонлари шунча кам ишлаб чиқарилади. Чунки уларнинг вазифаси тунги тинч ва хотиржам уйқуни таъминлашдир. Агар сиз уйқусизликка мубтало бўлган бўлсангиз, бу эстрогенлар миқдорининг ниҳоятда тушиб кетганидан дарак беради. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

4. ОРТИҚЧА ВАЗН...

Ўрта ёш даврида бирданига озиш тавсия этилмайди. Ҳамма гап шундаки озиш билан бирга тери ости тўқималарига йиллар давомида йиғилган эстрогенлар заҳираси ҳам йўқолади. Ваҳоланки бу заҳирадаги эстрогенлар климакс даврида тухумдонлардаги гормонлар фаолиятини яхшилашга керак бўлади. Шунингдек бу заҳиранинг борлиги ҳайзнинг эрта тўхташининг олдини ҳам олади.

Бироқ! Тери қатлами остида ёғнинг кўп бўлиши ҳаддан ташқари семириб кетишга олиб келади. Тери ости ёғлари кўпайиб кетган тана эркаклик гормонлари ишлаб чиқара бошлайди. Бундай аёлларнинг лаблари устидан қаттиқ туклар ўсиб чиқа бошлайди, териси дағаллашади ва оқибатда қон босими кўтариладиган бўлиб қолади.

5. СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИНГ!

Инсон танаси шундай тузилганки, кам ҳаракатлиликни кексайиш аломатлари, дея қабул қилади. Демак, мушакларни доимо ҳаракатлантириб туриш зарур. Мунтазам ўтириб ишлаш кичик тос соҳасида қоннинг бир жойда туриб қолишига сабаб бўлади. Бу эса ҳайзнинг эрта тўхташига олиб келади. Эрталабки югуриш, велосипед ҳайдаш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар эса тухумдонлар учун уқалаш машқини бажариши натижасида қонга янгитдан аёллик гормонлари қуюла бошлайди.

6. ТАНАНИ ТОЗАЛАБ ТУРИНГ!

Баъзи дармондори ва маъданлар танага қайишқоқлик бағишлаб турадиган оқсил моддалар эластин ва коллагенларни парчалаб юборади. Агар ўн кун—гўштсиз, балиқ ва тузсиз фақат сабзавотлар, мева ва сутқатиқ маҳсулотлари истеъмол қилиб, улар билан бирга ҳар куни фаоллаштирилган кўмирли хапдорилар ичилса тана чиқитлардан тозаланади.

7. ТЕРИГА ҚУВВАТ ВА ЁШЛИК БАХШ ЭТИНГ!

Тўғри, ифлосланган, ёки совутгичдан чиқаётган қуруқ ҳаво, беҳисоб зўриқишларни енгиб кексайиш жараёнига тўсқинлик қилиш осон эмас. Аммо бунда бизга табиий пардоз-андоз воситалари ёрдам беради. Бунинг учун энг аввало:

- Ҳар куни юзни тўғри парваришланг! Пардоз воситалардан фойдаланганда "Таъсирчан тери учун!" деган ёзуви бўлишига аҳамият беринг.

- Ҳеч қачон кир совун билан ювинманг. Юзни фақат махсус гел ва кўпиклар билан тозаланг! Бу воситалар пардозланган юздаги тери тўқималарини чуқуроқ тозалаб, унинг қуриб қолишига йўл қўймайди. Шунингдек, теридаги ортиқча ёғни ҳам йўқотади.

❋ 35 ёшларга бориб тери 20-30 ёшдагига қараганда 3 марта камроқ ёғ ажрата бошлайди. Айнан шу пайтда кремларсиз иш битмайди. Улардан мунтазам фойдаланиб туриш юз терисини рангини яхшилаб, соғлом ва кўркам кўриниш бағишлайди.

❋ Юз терисини учун кремларни диққат билан танлаб ҳар 30 кунда алмаштириб туриш керак бўлади.

❋ Ўта қуруқшаган тери бўлса таркибида антиоксидантлар кўп бўлган кремдан фойдаланган маъқул.

❋ Бир ой давомида ҳар куни терини тараңглаштирувчи восита - лифтингдан фойдаланинг. Сўнг 3-4 ҳафта терига дам берилади-да, муолажа яна давом эттирилади.

❋ Қовоқлар учун эса тетиклаштириб, кўз атрофидаги ажинларни текисловчи махсус крем суриш керак.

❋ Бўйинни ҳам унутманг. Бўйинга ҳам юзга суриладиган кремдан сурса бўлади. Крем сургач, кун ора бўйинни пастдан юқорига қарата майин ҳаракатлар билан уқаланг.

❋ Ёшингиз ўтган сайин пилингдан кўпроқ фойдаланинг. Яхшиси бир ҳафтада 2-3 марта пилинг билан юз терингизни тозаланг.

❋ Таранглигини йўқотган терига ҳафтада 1-2 марта озиқлантирувчи ниқоблар қўйинг. Ниқоблар дармондори ва эфир ёғларига бой бўлиши шарт. У юз терисидаги моддалар алмашинувини яхшилайди.

❋ Душ ёки ванна қабул қилаётганингизда юзингизга махсус кремлардан суришни унутманг. Улар теридаги намликни сақлаб, ипакдек майин қилади.

❋ Сув муолажасидан сўнг терига албатта бирорта бальзам ё пардоз сутидан суриб қўйинг. У тери тўқималарига яхши сўрилгач терини тараңглаштириб, уни нафис ва қайишқоқ қилади.

❋ Қўлингизга ҳар куни бир неча марта крем сурсангиз, улар ҳамиша барқутдек майин ва юмшоқ бўлади.

ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.

ЙЎТАЛ ДАВОСИ

Куз ёхуд қиш фаслида маълумки, юқори нафас йўллари шамоллаб, йўтал хуружи пайдо бўлади. Хабдори - таблеткалар ичилади. Пировардида антибиотик дориларга ўтилади. Менда ҳам шунга ўхшаш муолажа қилинган бўлса-да, уларни нафи бўлмади. Бироз йўтал хуружи камайган бўлса ҳам, йўталдан бутунлай фориғ бўлмадим. Ахийри бир танишим қуйидаги малҳамни тавсия этди:

200 мл. сутни қайнатиб, унинг устига бир чой қошиқ истеъмол содаси-натрий бикарбонат ва бир чой қошиқ қора қўчқор ёғидан қўшилиб, аралаштирилади. Сўнгра кунига 3 маҳал ичилади. Кечаси тананинг кўкрак соҳасига қўй ёғидан суртилиб, ўраб ётилади. Ушбу муолажа туфайли менда йўталдан асар ҳам қолмади.

Мансурали АШУРОВ, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри.

ОШҚОЗОН ДАВОСИ - ТУХУМ

Ошқозоним кутилмаганда оғриб қолди. Шифокор текшириб, ошқозонимда гастрит (ошқозон деворининг яллиғланиши) бошланаётганини айтиб, бир неча турдаги дориларни ёзиб берди. Уларни дорихонадан харид қилиб ича бошладим. Бироқ кунлар ўтиб, даво ўрнига дард кучайди. Шунда мен бир пайтлар бувимдан эшитган маслаҳатга амал қилиб кўрмоқчи бўлдим. Ҳар куни тухумни ютиб, ярим соатдан кейин чой ичдим. Бу муолажани 15 кун мобайнида давом эттирдим. Пировардида ошқозонимда оғриқ йўқолди.

Шерали АСАДОВ, Термиз шаҳри

ЁҚИМСИЗ КАСАЛЛИКДАН ҚУТУЛДИМ

Кимнинг бошига тушган бўлса билади, бавосил (геморрой) ниҳоятда ёқимсиз касаллик. Албатта, касалнинг ёқимлиси бўлмайди дерсиз. Тўғри, аммо бавосил янада ёқимсизроқ. Хасталик жабрини уч йил тортдим. Суртма дори ва шамчалар вақтинча ёрдам беради. Шунда мен бу касалликни халқ табобати йўли билан даволашга киришдим. Халқ табобатида бавосилни даволайдиган воситалар бисёр экан. Улардан менга энг мақбул бўлгани шивит-укроп ва асал бўлди.

Шивит уруғини куйдириб, унга асал қўшиб истеъмол қилиш ёки уни қўйиб боғлаш бавосилга даво бўлади.

Мен буни ўз тажрибамда синаб кўрдим. Бавосилни тузатишда яна бир усул:

25 грамм вазелин олинади. Унга 3 та ампуладаги камфора ёғи (дорихоналарда бўлади), 10 мл. ялпиз томчиси қўшилиб, обдон аралаштирилади. Муолажа қилишдан олдин ичак ҳуқна(клизма) йўли билан тозаланади. Сўнгра бармоқ билан тайёрланган малҳам тўғри ичакка қўйилади. Кунига 1 марта, эрталаб 10 кун мобайнида тадбиқ қилинади.

Ш. НОРМУРОДОВ. Навоий шаҳри

ЖОНИМГА ОРО КИРДИ

Уч, тўрт ой суякларим зирқираб оғриб, қўлламаган муолажам қолмади. Охири бир танишим суяк касаллигига суртиладиган малҳам тайёрлаш усули ҳақида маслаҳат берди. Унга кўра, 2 грамм асалга 2 грамм мўмиёни аралаштириб, ҳосил бўлган малҳамни баданнинг оғриб турган жойига суртиш керак экан. Шу муолажа жонимга ором бағишлади.

Аббосхон НАЗИРОВ, Тошкент шаҳри

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

ТУНДА КЎРАДИГАН ОДАМ...

Хитойнинг Хунань вилояти Ишмэньеуездида истиқомат қилувчи Чан Чунфа исмли ёш деҳқон тим қоронғида чироқсиз кўра олади. "Қоронғида мен кундуз кундагидан яхшироқ кўраман", деб таъкидлайди у. Ёмғир ёғиб турган зимистон тунларнинг бирида кучли кўчки қишлоқни вайрон қилмаганда, ҳамқишлоқлари Чан Чунфанинг бу гапларига яна анча вақтгача ишонмай юрган бўлишарди. Ўша тунда йигитча зимистон қоронғиликда бехато йўл кўрсатиб, ҳамқишлоқларини бехатар жойга олиб чиқди, шикастланганларни топиб, уларга биринчи ёрдам кўрсатишди. Шу воқеадан сўнг уни "Тунда кўрадиган одам", деб атайдиган бўлишди. Чан Чунфа ҳақида ҳикоя қилган "Шаньси жибао" газетаси якинда ваколатли тиббиёт комиссияси ёш деҳқон ҳақиқатан ҳам кечаси ва кундузи бир хил яхши кўради, мазмунида хулоса чиқарди, - деб хабар қилади.

Мутахассислар фавқулодда "тунда кўриш" қобилияти жумбоғини очишга уринишса-да, ҳозиргача бу сирнинг тагига етишгани йўқ.

БАНАН РАНГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Маълумки бананнинг сариқ ранглиси борлигини ҳамма билади. Аммо бананнинг қизил ва қораси ҳам бўлар экан. Қизил банан сариғига қараганда анча мазалироқ, хушхўр. Савол туғилиши табиий: унда бананнинг бу нави нега бозорларда сотилмайди? Сабаби, қизил банан узоқ йўлга чидамсизлиги учун экспортга чиқарилмайди.



КЎРИНМАС ОДАМ

Немис Ханс Дитернинг бирорта ҳам фотосурати йўқ. Ҳатто никоҳ тўйи пайтида хотинининг ёнида турган, унга узук тақиб тушган фотосуратда ҳам Ханс Дитер кўринмайди.

У фотосурати йўқлиги учун ниҳоятда қийналиб яшаган. Чунки паспорт ва бошқа ҳужжатлар учун кўплаб сурат талаб қилинади-ку. Ханс Дитер юзлаб марта суратга тушган, лекин бирортаси ҳам чиқмаган, гўё шаффофдай. Жуда зарур пайтларда ўзига ўхшаш укасининг суратини кўрсатади.

"Бир қариндошимиз келтирган видеокамерадан умидимиз катта эди, - дейди унинг хотини. - Видеокамерага тасвир туширишимиз билан уни кўришга ташландик. Тасвирда ҳамма бор эди, фақат эримдан бошқалар..."

ТАБИБ БАЛИҚ



Туркиянинг Кангал шаҳарчасига турли жойлардан кишилар "Балиқ шифоси" курсидан ўтиш учун келишади. Олдиндан айтиб қўйишимиз мумкин. Марказий Анадолининг бу бурчагига оддий тиббиёт усуллари билан даволанишдан умидларини узган беморлар келишади. Гап шундаки, маҳаллий табобат аҳлининг тасдиқлашича, бу ерда яшовчи Кангал балиқлари тери касалликларини даволашга қодир экан.

Таркибида олтингугурт бўлган иссиқ сувда яшовчи кичкинагина яшил қўнғир бу жониворлар дарҳақиқат, ноёб ҳисобланади. Балиқлар дунёсининг ўзига хос бу тури туб аҳолига қадимдан маълум. Ўрта асрда маҳаллий деҳқонлар эътиборини қизиқ ҳодиса ўзига тортди. Ҳовузга тушган одамни жажжи балиқлар ўраб олишди. Улар инсон танасининг хасталанган жойини топиб, уни енгилгина "тишлаш" йўли билан тозалашди. Бир неча шундай "даволаш"лардан ўтгач, бемор касалликдан халос бўлди. Ўшандан буён кўп вақт ўтди. Бироқ ҳозир ҳам Кангал мўъжиза балиқларининг шифобахш хусусияти жумбоқлигича қолмоқда. Бу жониворлар ўсимликлар ўсмайдиган, олтингугуртли иссиқ сувда қандай яшашади?

Нима билан озиқланишади? Кўпчиликни ўйлантираётган бу саволларга аниқ жавоб топилган эмас.

НОЁБ ҚОБИЛИЯТ СОҲИБИ

Боланинг тили қачон чиқади? Бу саволга ҳар хил жавоб бериш мумкин. Чунки болалар ўз қобилиятларига қараб гапиришни, юришни, ёзиш ва ўқишни ўрганадилар. Лекин ҳаётда шундай ноёб ва илоҳий қобилиятли болалар ҳам бор эканки, уларнинг заковати одамни лол қолдиради. Америкалик Эндрегон Иставул де Меллон 45 кунлик чақалоқлигидаёқ бийрон-бийрон гапирганида ота-онаси-ю, ҳакимлар шошиб қолишди. Лекин бу ҳали ҳолва экан. Бола 2 ёшга етиб-етмай ўқишни ўрганиб олди. Орадан бир йил ўтгач, яъни 3 ёшида Калифорния университетига қабул қилинди. Олий ўқув юртини 11 ёшида тугатиб, 13 ёшида амакилари қаторида коинот сирларини ўрганишга киришди. У илмий-тадқиқот институтида хизмат қилади.

Олимлар боладаги бу ноёб қобилият сирини ҳозирча илмий жиҳатдан асослаб беришга ожизлик қилишяпти. Ота-она ва қўни-қўшнилар бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, Оллоҳнинг иродаси, дея таъкидламоқдалар.

СИРЛИ ИЧИМЛИК

Осетия халқининг энг севимли ичимлиги бўлган «кайф» сутдан тайёрланар эди. Кайф кишига ҳузур бағишловчи неъмат бўлиб, шифокорлар бир сўз билан "жуда шифобахш" деган хулосага келганлар.

«Кайф»ни кашф этган осетияликлар уни тайёрлаш технологиясини сир тутишган.

1908 йили Москва касалхоналари учун «кайф» ичимлиги зарур бўлиб қолади. Уни тайёрлаш ҳақида буйруқ олган сут саноати ходимлари яқингинада чорвачилик мактабини тамомлаб келган 20 ёшли Ирина Сахаровани Осетияга «кайф» тайёрлаш сирларини ўрганиб келишга юборадилар. Ирина тоққа, Осетия князи Бек Мирзаникига меҳмонга боради. Уни хўп сийлайдилар, гап ичимликка келганда эса мезбонлар ломмим демайдилар, «кайф» ачитқисини турли баҳоналар билан бермайдилар. Ира завод мутахассиси Васильев билан извошда ортига маъюс қайтаркан, йўлда уларни бир тўда отлиқлар ўраб оладилар ва Иринани ўғирлаб кетадилар. Васильев полиция ёрдамида меҳмонни қутқаргач, бу ишни Бек Мирза уюштиргани аниқланади. Тергов давомида Осетин князи Иринадан узр сўрайди.

- Бир шартим бор,- дейди қиз,— агар уни бажарсангиз кечиришим мумкин.

Қамалишдан кўра, сирни очишни афзал билган князь розии бўлади. Ачитқини қўлга киритган Ирина уни қанча сутга қай миқдорда солишни билмайди. Ачитқидан кўпроғини сутга ташлаб кўришади. Тайёр бўлган ичимликни тотиб кўрганларда унинг бадбўйлигидан кўзларидан ёш чиқиб кетган. Ирина бора-бора ачитқи миқдорини камайтириб боради. Ниҳоят «кайф» ичимлиги тайёр бўлади. Ирина Сахарова матонати билан янги технология жорий қилинганлиги учун ҳам бу неъматни "Кайф Ирина", кейинчалик эса қисқартириб, "Кефир" деб атайдилар. Шу-шу бўлди-ю, 1909 йилда кефир дунёга келди. Инсон саломатлигида ўзининг муносиб улушини қўшувчи бу ичимлик орадан бир асрга яқин вақт ўтибдики, ўз ҳузурбахшлигини йўқотмаган.

ТИШИНИ ОЛДИРИБ, КЎЗИ ОЧИЛДИ

Польшанинг "Дзенник людови" газетаси 37 ёшли турк деҳқони Юсуф Офкан билан юз берган, тиббиётда жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса ҳақида ёзди. Юсуф Офкан узоқ вақт кўр ва гаранг бўлиб юрди.

Кунлардан бир куни унинг тиши оғриб қолди ва у яқин жойдаги тиш шифокорларидан бирига мурожаат қилди. Шифокор унинг тишини суғуриб олганда Офкан ҳушидан кетиб қолди. Ўзига келгач, у шифокорга ҳам кўриб, ҳам эшитаётганини қувонч билан маълум қилди. Ишнинг кутилмаган натижасидан мамнун бўлиб кетган шифокор бемордан хизмати учун икки баравар ҳақ тўлашни талаб қилди.

ЮРАГИ УРМАЙДИГАН ОДАМ

Шунақа одам ҳам бўларканми, дейишингиз табиий. Ахир юраги урмаса яшай олмайди-ку!

Орланда исмли қария 87 ёшга қадам қўйди. Ҳали юраги бақувват. Унинг юраги урмайди. Неча марта текширувлардан ўтган бўлишига қарамай фақат ниҳоятда сезгир асбоблар ёрдамидагина қариянинг юраги ишлаётганлигини мутахассислар билишган. Томирларда қон айланиши яхши. Юрак фаолияти ҳам кутилганидан аъло. Фақат юрак урганини билиб бўлмайди. Бу шароитда инсон яшамаслиги керак. Уни ғўдаклигидан ана ўлади, мана ўлади, деб 87 йил кутишди. Орланда эса тирик. Ҳозир ҳам югуришда унча-мунча ёшларни ортда қолдириб кетади. Шу юраги билан учта хотинни қаритди. Шу юраги билан ўн икки фарзандли бўлди. Ҳозирги хотини 38 ёшда фарзанд кутяпти. Эрини қирқ ёшлардаги қирчиллама эркак деб билади.

БЎСА ОЛСАНГ ЎЛАСАН



Моника жуда гўзал қиз. Унинг ишқида куйиб юрганлар қанча. Аммо унинг висолига етишиш учун ўлимга рози бўлиш керак. Ана шундайлар ҳам топилди. Моника билан бирга бўлишни орзу қилган икки йигит ўлимга ҳам рози бўлдилар. Йигитлар ҳам жуда келишган, аҳдларида қаттиқ турадиганлардан эдилар. Улар қиздан биттадан ўпич сўрадилар, холос. Қиз уларга тушунтириш учун роса уринди. Аммо иложини тополмади. Йигитлардан бири қиз билан тўйгунича суҳбатлашиб ўтирди. Суҳбат шунчалик эҳтиросларга олиб келдики, қизнинг қаршилигига қарамай йигит унинг лабларидан ўпиб олди ва бир оз вақт ўтиб, ўзини нохуш сезга бошлади. Турли муолажаларнинг ҳам фойдаси бўлмади. Йигит вафот этди. Иккинчиси заҳарланишга қарши турли дори-дармонлар олиб сўнг кўнгли хотиржам бўлиб, Моника билан танишди. Бир ҳафта давомида қизга яқинлаша олмади. Ниҳоят унинг висолидан бахраманд бўлди. Бу йигит ўлиб қолмади-ю, лекин узоқ касал бўлиб ётди. Бир неча ой Моника хавотир билан яшади. Йигит бироз тузалди, аммо шифокорлар қайтиб шу қизга яқин йўламасликни тайинлашди. У қизнинг висолига яна бир бор етишиб, сўнг ўлимига розилигини айтган.

Қиздаги бу ҳолат кўпчилик учун сир бўлиб қолмоқда. Ўзи устида синов олиб боришларини эса Моника хоҳламайди.

ТИЛЛА ТИШЛИ ЧАҚАЛОҚ

Австралиялик Мэри Ракуэлл деган аёлнинг кўзи ёриганда чақалоқни кўриб ҳамширалар ҳайратдан ёқа ушлашди. Чунки чақалоқ пастки жағида битта тилла тиш билан туғилганди. Тасодифни қарангки, худди шу куни, шу соатда Мэрининг отаси вафот қилган экан. Унинг, яъни ўша чақалоқнинг бобосини пастки жағида, худди шу жойида тилла тиши бор экан. Мэри бобосининг руҳи неварасига кўчиб ўтган, деб қаттиқ ишонмоқда.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10977
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5